

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

Аслонова Дилнавоз БАХШИЛЛАЕВНА

**Ахборий кўрсатувларда журналистлар маҳорати масалалари
(uz Report телеканали дастурлари мисолида)**

**мавзусида 5220100 –журналистика(халқаро журналистика)
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

**“Аудиовизуал журналистика
ва оммавий коммуникация”**

кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доцент Н.Қосимова

2015 йил “3” июнь

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ ф.ф.н.

А.Каримов

2015 йил “3” июнь

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3-8
I БОБ. ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ВАЗИФАСИ	
1.1. Ахборотнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги роли.....	9-14
1.2. Бутунжаҳон телеканалларида янгилик тайёрлаш ва узатишдаги ўзига хосликлар.....	15-22
1.3. Ахборий дастурларда жанрлар хилма-хиллиги.....	22-27
II БОБ. “UZREPORT” ТЕЛЕКАНАЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ	
2.1. “UzReport” телеканали ҳақида умумий маълумот ва ахборот етказишусуллари.....	28-36
2.2. Ахборий кўрсатувларни тайёрлашда журналистлар маҳорати масалалари.....	36-42
2.3. Янгиликларни узатишда журналистик ёндашув.....	47-51
ХУЛОСА.....	52-55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	56-58
ИЛОВА	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобллашув даврида бирор-бир кунни ахборотсиз, янгиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари орқали оламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди”.

Ҳозирда телекоммуникация соҳасининг жадал суръатларда тараққий топаётгани, телекўрсатувларни узатиш тизимига энг замонавий технологиялар жорий этилаётгани, рақамли, мобил ва интернет телевидение каби мутлақо янги медиа-тузилмаларнинг ҳаётимизга кириб келиши мазкур тизимдаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда.

Илк бор мамлакатимиз пойтахти Тошкентда кашф этилиб, одамларнинг ҳайрати ва катта қизиқишларига сабаб бўлган телевидение ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган ҳозирги асримизда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондирувчи энг оммавий воситага айланиб улгурди. Дарҳақиқат, бугун телевидение юртимиз ҳудудини қарийб юз фоиз қамраб олган, шу жиҳати билан энг катта аудиторияга эга оммавий ахборот воситаси бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни ҳар бир фуқарога етказишда ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эгадир.

Миллий телеканалларда берилаётган кўрсатувлар орқали томошабинлар оммаси ўзлари учун керак бўлган хабар ва янгиликлардан воқиф бўлишяпти. Ахборот жанридаги чиқишларда Ўзбекистонда кечаётган жараён, олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, жойлардаги ўзгаришлар хусусида сўз юритилмоқда. Мамлакат ҳаётини ёритишда “Ўзбекистон”

телеканалларнинг “Ахборот”, “Ёшлар” телеканалларининг “Давр”, “Тошкент” телеканалларининг “Пойтахт”, “Спорт” телеканалларининг “Хабарлар” ахборот дастурларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Шу билан бирга нодавлат телеканалларнинг кенг жамоатчиликка ахборот етказиш борасида ҳам алоҳида ўрни бор. Айни пайтда пойтахтимизда “МЙ5” ва “УзРепорт” телеканаллари иш юритмоқда.

Мамлакатимизда рўй берган энг сўнгги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий хабарлар, жаҳонда кечаётган жараёнлар, энг сўнгги воқеа-ҳодисалар ва янгиликлар бериб борилаётган “Узрепорт” телеканалларининг “7/24” янгиликлар дастури ҳам аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Бутун жаҳонда янгилик ва ахборотга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда, информацион кўрсатувлар, уларга қўйилаётган талаб, янгилик тайёрлаш ва узатишдаги ўзига хосликлар, замонавий тенденциялар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Журналистларнинг ахборот тайёрлаш ва узатиш бўйича жаҳон стандартлари даражасида фаолият олиб боришини ўрганиш, кўтарилаётган асосий мавзулар, жанрлар, муаммолар, улар маҳоратини илмий таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада замонавий тажрибаларни ўрганиш, мақбул жиҳатларни амалиётга кенг татбиқ этиш, янгилик тайёрлашнинг замонавий форматларини жорийлашнинг афзаллик ва камчиликларини қайд этиш мақсадида “Узрепорт” телеканалларининг информацион блокининг бу борадаги хатти-ҳаракатларини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш долзарб саналади ва биринчи марта ўрганилаётгани билан аҳамиятлидир

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Телевизион журналистиканинг хос хусусиятлари Г.В.Кузнецов, В.Л.Цвик, А.Я.Юровский, Н.В.Вакурова, В.В.Ворошилов, Е.В.Поберезникова, Я.П.Засурский, Е.Прохоров каби рус олимлари асарларида тадқиқ қилинган.

Шунингдек, бошқа хорижий мамлакатларда чоп этилган китоб, мақола ва тадқиқотларда янгилик тайёрлаш назарияси, амалиётига оид айрим фикрлар кузатилади. Улар ишимизда назарий манба сифатида ўрганилди.

Мамлакатимиздаги олим ва мутахассислар Ю.Ҳамдамов, Ш.Ибрагимов, П.Алламбергенова, Ю.Артиқова, И.Абдухолиқов, А.Каримов тадқиқотларида телевидение соҳасига оид турли муаммолар таҳлилга тортилган. “Ўзбекистон матбуоти” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият”, “Садо” газеталарида ва бошқа айрим нашрларда мавзуга доир кичик мақолалар, тақризлар учрайди, холос. Шунингдек, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманларда қилинган маъруза, тезис ва мақолаларида ҳам инфор­мацион чиқишларга оид айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ахборий кўрсатувларни тайёрлаш ҳамда узатиш борасидаги журналистлар маҳоратини янги ва замонавий талаблар асосида ўрганиш, маҳорат масалаларининг аҳамиятини назарий асослаш, сўнгги йиллар давомида “Узрепорт” телеканалининг инфор­мацион дастурларининг ўзига хос хусусиятларини тайин этиш, чиқишларнинг назарий тамойилларини, илмий мезонларини белгилаш, янгилик тайёрлашнинг замонавий форматларининг жараён сифатида таҳлилга тортиш, илмий умумлашмалар чиқаришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Миллий телеканалларида ахборий кўрсатувлар тайёрлаш турлича услуб ва форматда тақдим этилади. Ишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни белгилашда ана шу жиҳатлар инобатга олинди.

Телевидение дастурлари тизимида ахборот дастурларининг тутган ўрни, ҳажми, миқдори, эфир давомийлиги ва бошқа жиҳатлар ишда атрофлича ёритилади;

Миллий телеканалларида эфирга узатиладиган ахборот дастурлари тизимида “Узрепорт” телеканалининг инфор­мацион блокининг ўрни ва мавқеи ўрганилади;

Замонавий ахборий кўрсатувларининг ўзига хосликлари чиқишлар орқали очиб берилади;

“Узрепорт” телеканалида информацион чиқишларнинг ютуқлари, камчиликлар, эътибордан четда қолаётган жиҳатлар, қўлланилмаётган усул ва форматлар борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилади;

Ахборий кўрсатувларда иш олиб бораётган журналистлар маҳорати масалалари, ютуқ, камчилик, муаммолар хусусида ҳам гапирилади, муаммоларни бартараф этиш борасида таклифлар киритилади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. “Узрепорт” телеканалидаги информацион чиқишлар тадқиқот объектини ташкил этади. Ўрни келганда қиёс учун бошқа миллий ва хориж телеканалларидан айрим мисоллар келтирилади.

Тадқиқот предмети сифатида ахборий кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатишдаги журналистлар маҳоратидаги ўзига хосликлар, мавзулар таҳлили ўрганилди.

Тадқиқотнинг методологик ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, оммавий ахборот воситалари соҳасига доир Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарларида баён этилган йўл-йўриқлар, ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш соҳасидаги халқаро декларация, пакт, шартнома, протоколлар, шунингдек, замонавий журналистика назарияси ва амалиётига, шунингдек турдош соҳаларга доир асарлар ишнинг методологик ва назарий асосларини ташкил этади. Тадқиқот учун журналистика, социология, филология, сиёсатшунослик, санъатшунослик каби ижтимоий-гуманитар соҳалар бўйича олиб борилган илмий изланишлар, чоп этилган адабиётлар ҳам муҳим назарий манба вазифасини ўтади.

Тадқиқот услублари. Ишни ёзишда ўзбек ва жаҳон журналистика илмида синовдан ўтган қиёсий-типологик услубдан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Аудиовизуал журналистиканинг муҳим бўлаги ҳисобланган тележурналистика соҳаси ўрганиш учун йирик изланиш объекти ҳисобланади. Ишда ахборий кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатишдаги журналистлар маҳоратидаги ўзига хосликлар, мавзулар таҳлили

“Uzreport” телеканалидаги информацион чиқишлар мисолида ўрганилган. Замон ўзгариши, ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, ахборот етказишда янги услуб ва йўналишларнинг юзага келиши ахборот дастурларини янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилмоқда. Телевидение соҳасида катор магистрлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Телевидениеда ахборий кўрсатувларни тайёрлашда журналистлар маҳоратининг “Uzreport” телеканалидаги информацион чиқишлар асосида махсус тадқиқ этилгани ушбу битирув малакавий ишининг асосий илмий янгилигидир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ахборий кўрсатувларни тайёрлаш борасида журналистлар маҳорати замонавий ёндашувлар асосида ўрганилгани, объектнинг илк бора ўрганилаётгани, назарий умумлашмалар чиқарилгани тадқиқотнинг илмий аҳамиятини кўрсатади. Ишдаги назарий қарашлар, умумлашмалар, илмий хулосалар Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети, Қорақалпоқ давлат университети журналистика бўлимида таҳсил олаётган талабаларга телевизион журналистика фанини ўқитишда қўл келиши мумкин.

Илмий тадқиқотда чиқарилган умумлашма ва хулосалар бевосита журналистик амалиётдан олингани сабабли ундан тележурналистлар, мутахассислар касб маҳоратини оширишда, ёш журналистларда касбий кўникмаларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Битирув малакавий иш бўйича 2 илмий мақола эълон қилинди: 1) Асланова Д. “Фуқаролик жамиятини барпо этишда ахборотнинг ўрни ва аҳамияти” // “Глобаллашув даври журналистикасининг ёшлар аудиториясига таъсири масалалари” мавзуидаги талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, 2015 йил 22 апрель. –Б.52-54.; 2) Асланова Д. “Ахборот оқимини ташкил этиш ва унда телевидениенинг роли” // Замонавий тележурналистиканинг

тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув мавзуидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами, 2015 йил, 29 апрель. – Б. 46-48;

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. БМИнинг умумий ҳажми ... бетни ташкил этади.

Биринчи бобда, телевидениенинг ахборот тарқатиш вазифаси, ахборий кўрсатувларнинг дастурларда тутган ўрни ва аҳамияти, информацион чиқишлар таснифи, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, бутунжаҳон телеканалларида ахборот тайёрлаш борасидаги замонавий тенденциялар ҳақида сўз юритилади.

Кейинги бобда ахборот дастурларининг тайёрлашда журналистлар маҳорати масалалари ўрганилган. Иш сўнгида хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати тақдим этилган.

1-БОБ. ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ВАЗИФАСИ

1.1. Ахборотнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги роли

Журналистика жамиятдаги фикрлар, тасаввурлар, нуқтаи назарлар уммонига таъсир қилиш ва бу жараёни бошқариш кучи ва имкониятига эга. Журналистика ахборот тарқатар экан, жамият томонидан ана шу ахборотни қабул қилаётганларнинг дунёқарашини кенгайтиради, ички дунёсини бойитади, маълум бир мақсадга қараб йўналтиради ва шу йўл билан уларни бошқаради.

ОАВларига хос бўлган бошқариш жараёни четдан қараганда сезилмаса, кўзга ташланмаса ҳам, у жамиятга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, ахборотнинг таъсири натижасида жамиятда мавжуд бўлган объектив ички механизмлар, қонуниятлар ишга тушади. Бошқариш узоқ давом этадиган жараёндир, бошқача қилиб айтганда, ахборотнинг жамиятни бошқариш жараёни узлуксиз давом этади ва унинг доимий ҳамроҳига айланади.

Жамиятда журналистикадан ташқари унга таъсир қиладиган бошқа кучлар ҳам мавжуд. Лекин ахборотнинг жамиятни бошқариш роли, функцияси қатъий ва мажбурий эмас, у кўпроқ демократик характерга эга бўлиб, кўнгилли ва ихтиёрийдир. Лекин ОАВ (аудитория истак-хохиши, мақсади ва эҳтиёжларини тўғри ҳисобга олиб) мақсадга қараб аниқ йўналтирилса, бир ёқадан бош чиқариб, самарали ҳаракат қилинса, унинг таъсир даражаси жуда катта бўлади.

Сўнгги йилларда жаҳонда журналистиканинг таъсир кучи ниҳоятда ортди. У мамлакат ичкарисидаги сиёсий курашлар ва халқаро муносабатларга фаол аралаша бошлади. У нафақат жамият томонидан муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир қила бошлади, балки, айрим йирик сиёсатчиларнинг обрўсини пучга чиқариб, ҳукуматларни ағдара бошлади ва бу жараёнда кундалик газеталар биринчи ўринни эгалламоқда. Улар жамиятни бошқаришда фаол иштирок этадиган обрў-эътиборли давралардан ўрин эгаллашди.

Си-Эн-Эннинг раҳбари Тед Тернерга журналистлардан бири мурожаат қилиб: - Сиз ҳозир Америкадаги энг обрўли, энг нуфузли шахслар қаторидан

ўрин эгаллагансиз. Нима сабабдан Сиз Америка президентлигига ўз номзодингизни кўрсатмайсиз? – деганда, у: “Ахир мен бутун жаҳонни бошқаришга ўз таъсириمنى кўрсатаёлман-ку, сиз менга битта давлатга бошчилик қилмайсиз-ми, деяпсиз” - деб жавоб қайтарганди. Бу ахборотнинг кучига берилган юксак баҳо саналади.

Ахборотнинг жамиятни бошқаришдаги роли, жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти юқорилиги инобатга олинган ҳолда, журналистларнинг ўз касбига ниҳоятда эҳтиёткорлик ва катта масъулият билан ёндашиши талаб қилинади.

Журналистиканинг ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришдаги аҳамияти, имкониятлари катта бўлиб, буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, у жамиятдаги турли ижтимоий институтлар томонидан қабул қилинаётган қарорларга ўз таъсирини кўрсатади.

Иккинчидан, оммавий аудитория, халқ, жамият билан бирга у алоҳида шахс онгига, унинг ички дунёсига, унинг хатти-ҳаракатларига, қарор қабул қилишига таъсир қилади. Бу журналистиканинг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги асосий хусусиятидир. Бу эса ҳам журналистлар, ҳам аудитория, шу жумладан, жамият олдига ҳам ахборотга юридик эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалани ва бу ҳуқуқни амалга ошириш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди.

Шу жараёнда журналистлар томонидан ахборотни йиғиш ва тарқатишда очиқлик, ошкоралик талаби пайдо бўлади. Ва бунда ижтимоий институтлар, расмий шахс ва доираларнинг очиқ бўлиши, журналистларга, жамиятга (юридик қонун-қоидаларга бўйинсинган ҳолда) ахборот бериш масъулияти, мажбурияти масаласи алоҳида маъно касб этади.

Сабаби, жамият ҳаётини нормал ҳолда юритиш, тўғри қарорлар, лойиҳалар қабул қилиш учун аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда журналист уч нуктаи назарда туриши мумкин.

1. Консерватив нуқтаи назар. Бунда журналист жамият осойишталигини бузмаслик, ҳеч кимни безовта қилмаслик, шу кундаги тартиб-қоидаи сақлаб қолиш, уни ҳатто янада мустаҳкамлаш ҳақида қайғуриши керак.

2. Реакцион нуқтаи назар. Бунда журналист жамият тизимлари ва жамоатчилик фикрини орқага қараб ҳаракат қилишига хизмат қилади.

3. Прогрессив нуқтаи назар. Бунда журналист иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги янгиланишлар, ўзгаришлар, келажак сари ҳаракат қилиш, алоҳида шахсининг ижодий равнақи, иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёт, орзудаги ҳаёт учун кураш тарафдори бўлиб чиқади.

Журналист ўзини қайси позицияда турганлигини аниқлаб олиши керак. “Ахборот кураши” ва “ахборот уруши” деган тушунчаларини бир-бири билан алмаштириб, аралаштириб юбориш керак эмас. “Ахборот кураши” тушунчаси жамиятдаги мавжуд бўлган турли ижтимоий кучларнинг кураши, улар ўртасидаги тўқнашувларининг доимий йўлдоши, ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб келган ва бўлади ҳам.

“Ахборот уруши” деган тушунча эса бу бошқа маънони, яъни – “душман қидириш”, - “рақиб” устидан ғалаба қозонишга жон-жаҳди билан интилиш, деган маънони англатади. Одатда, бу ҳолда томонлар тўғри-нотўғри йўллардан, шубҳали факт ва аргументлардан фойдаланиши кузатилади. Ахборот уруши ҳам турли ижтимоий кучлар орасида олиб борилади. (Россия билан Украина ўртасидаги газ бўйича, Россия билан Грузия, Молдова ўртасида “боржом” суви, мусаллас юзасидан ахборот уруши ёки Қирғизистон, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги суғориш учун фойдаланиладиган сув бўйича тобора авж олиб браётган ахборот уруши ва б.)

Уруш ёки террористик хуружлар пайтида ҳатто цензура киритилиш ҳоллари кузатилмоқда. Шунда вазиятда радиоприёмниклардан фойдаланишни таъқиқлаш, душман овозларини бўғиш, контртарғиботни авж

олдириш, душман таъсирига қарши курашда дезинформациядан – атайлаб ёлғон, нотўғри ахборот тарқатиш холлари кузатилмоқда.

Дезинформация бу ахборотнинг йўқлиги эмас, дезинформация аҳолида воқеа, ходиса тўғрисида нотўғри тассурот, тушунча ҳосил қилиш демакдир. Яъни, ҳаёт бузиб кўрсатилади, қадриятлар, ният ва мақсадлар бузиб тарғиб-ташвиқ қилинади.

Дезинформацияда – ёлғон, бўҳтонга аудиторияни ишонтириш учун миш-миш ва ғийбат гаплар тарқатилади, муҳим маълумотлар яширилади, кўплари бузиб кўрсатилади ва айни пайтда ёлғоннинг ишончли чиқиши учун ярим ҳақиқат ҳам қўшиб қўйилади. Воқеа, ходисалар юзасидан нотўғри шарҳлар берилади. Бунда Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги Геббельс бошлиқ Германия тарғибот-ташвиқот вазирлиги, “совуқ уруш” давридаги инсонлар ақли ва қалби учун булган ахборот қарама қаршилигидаги пропаганда машинасининг иши алоҳида диққатга сазовордир. Бунда ҳам дезинформациядан кенг фойдаланилган.

Глобал коммуникация тизимида, Интернетга, ягона ахборот маконига эга бўлган жамиятда ахборот хавфсизлиги масаласи ҳам кун тартибига чиқади. Ўзбекистон ахборот истеъмолчиларини дезинформациядан ҳимоя қилиш масаласи нима учун керак? Авваломбор ёлғон, бўҳтон ахборотга иммунитет ҳосил қилиш жоиз. Яъни:

1. Аудитория жаҳонда ва мамлакатда содир бўлаётган барча воқеа-ходисалар юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлиши;
2. Ахборот истеъмолчига зудлик билан етказилиши ва Республикадаги барча босма ва электрон оммавий ахборот воситалари тезкорлиги ошиши;
3. Журналистлар ўз билим ва маҳорати устида ишлаши;
4. Плюралистик – битта воқеа, ходиса юзасидан ҳатто, бир-бирини инкор этувчи турли нуқтаи назарлар ҳам бериб борилиши;
5. Воқеа, ходисани ёритишда шахсий фойда-зиённи ўйламай объектив, холис ёндашилиши;

6. Аудиторияга бузиб берилган ахборот жамият ҳавфсизлигига путур етказишини ёддан чиқармаслик керак. Содир бўлган у ёки бу воқеа орқасида пухталиқ, мукаммаллик, кимларнингдир моҳирлиги, маълум маънодаги объективлик ётади ва журналист буни объектив тадқиқ қилиши лозим.

Катта матнда кичик ҳажмдаги матнга қараганда кўпроқ ахборот, маълумот, маъно, мазмун бордек бўлиб кўринади. Ҳақиқатда эса кўп ҳолларда кичкина хабарда каттасига қараганда аудитория учун керакли ахборот кўп бўлади. Фикрни аниқ етказиш мақсадида, катта ҳажмда кўп ёзилади. Бу эса, яъни йирик матн киши диққатини чалғитиб, хабардаги асл маънони англашга ҳалақит беради. Натижада ахборот аудиторияга етиб бормайди, хатти-ҳаракат ҳам зое кетади.

Воқеа, ходиса тўғрисида шу воқеа, ходисага монанд - адекват ахборотни ёзиш, яратиш, тарқатишнинг учта шарти мавжуд.

1. Ахборот – небаналь - нобанал – (фр. банал - “избитый” – сийқаси чиққан маънони англатади) янги, ҳеч ким эшитмаган ёки бошқаларига ўхшамаган, оригинал бўлиши керак. У истёмолчи хотирасида бор бўлган бошқа маълумот, фикр, хулосалар, ғоялар уйғотиб янги мақсадларга ундаши керак.

2. Ахборот - декодируемый, (фр. коде – “ёзувлар тизими”, деган маънони англатади) яъни маълумот тушунарли, аудитория ҳам журналист ахборотга юклаган маънони илиб оладиган, матндан маъно англаб олинадиган, ахборотга юкланган маънога монанд бўлиши керак. Журналист ҳамма вақт омма тушунадиган оддий, маъноли, мазмунли тилда ёзиши, аудиториянинг ҳиссий, образли тилида, рамзларда ижод қилиши керак. Аудитория маданияти, билим даражасини ҳисобга олиши, унга асосланиши, ва таяниши лозим.

3. Ахборот – релевант (ингл. “жуда жойида”, “бевосита ишга тааллуқли”, деган маънони англатади) яъни, ахборотнинг мазмун-моҳияти

аудитория эҳтиёжига тўғри келадиган, унга монанд, унинг қизиқишига жавоб берадиган бўлиши керак.

Журналист аудитория истаган маълумотни бериб, унинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда аудитория диққатини жамият ҳаётининг муҳим объектив томонларига қаратиши, йўналтириши керак.

Ахборотнинг маълумотга бойлиги, унинг тўлаллиги, (информационная насыщенность) мукамаллиги, унда юқорида айтилган (нобанал, декодируемый, релевант) шартларнинг барчаси мавжудлиги билан боғлиқ. Бу шартларнинг биронтаси ахборотда тушиб қолса, бундай ахборот ўзининг энг муҳим хусусияти информативлигини йўқотади.

Ахборотнинг адекватлиги, унинг содир бўлган воқеа, ходисага монандлигининг биринчи шarti бу унинг *прагматиклик* хусусияти. Прагматика ўз навбатида яна иккита тушунчадан иборат бўлади, бу – синтактик ва семантик хусусиятлардир. Синтактик хусусиятга баён этилаётган воқеликнинг маълум лавҳалари, унинг кўринишларини тасвирлаш орқали эришилади.

Семантик адекватлик, монандлик – журналист томонидан ёзилган матннинг у ёритаётган воқеани қанчалик тўғри акс эттирганлиги билан ўлчанади. Бу талабга жавоб берадиган ҳар бир асар ҳаёт ҳақида ҳаққоний хабар бериши, ҳақиқатни акс эттириши, у берган маълумот пировардида тўлақонли, объектив, холис бўлиши керак. Сабаби, шундагина кенг халқ оммаси ҳаётни тўғри тушунади, аниқ, ҳақиқий маълумотга эга бўлади, ҳаётда адашмайди, тўғри ҳаракат қилаётган бўлади. Журналист шу йўл билан реал ҳаётнинг адекват, монанд ахборий моделини яратади. Шундагина, омма дунёда содир бўлаётган мураккаб жараёнларда адашмай, қоқилмай, афсусланмай, ўзи учун тўғри йўналиш танлаб олган бўлади.

1.2. Жаҳон ва миллий телеканалларда ахборий чиқишлар

Бутун дунёда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда. Дастлаб газета, журнал навбати билан радио, телевидение ва интернет ҳаётимизга кириб келди. Ахборотга бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Ахборот етказиш борасида рақобат муҳити юзага келди ва даромад манбаига айлана бошлади: “Дунё бойларининг рўйхатига доир маълумотларни тизимли ёритиб борадиган “Forbes” тақвимига кўра, Россияда энг бой одам сифатида Алишер Усмонов эътироф этилмоқда. Эътибор беринг, асосан нефть билан бизнес қилувчи ва дастлабки миллиардини айна соҳа бўйича ишлаб топган тадбиркор капитали 2003 йилда “атиғи” 1 млрд \$ ни ташкил этган. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 2012 йилда эса, 18 млрд билан дунё бадавлатлари рўйхатида сезиларли равишда юқорилади. Бунинг боиси жаҳон миқёсида нефтьга бўлган талабнинг ортиши натижасида нархлар ошиши эмас, балки mail.ru ни тўлиқ facebook ҳамда twitterдан эса маълум фоиз акциялар сотиб олинishiдир. Демак, бундан кўп эмас, атиғи 5-6 йил аввал айtilган келажакда ахборот энг қиммат товарга айланиши ҳақидаги башоратлар ўзини узоқ куттирмади. (Эътиборлиси 61 млрд \$лик капиталга эга бўлиб, дунёдаги энг бой кишига айланган шахс ҳам алоқа компаниясига эгалик қилади)”¹.

Таҳлилларга кўра, инсонлар 99 фоиз ахборотни кўз орқали оладилар. Айрим олимлар телевидениенинг пайдо бўлиши бошқа ёши кекса оммавий ахборот воситаларини сиқиб чиқаради деб тахмин қилишганди. Интернет пайдо бўлганда ҳам, бошқа ОАВ ўз ўрнини энг юксак технологияларга бўшатади, дейишганди. Аммо, замон шуни кўрсатдики, аудиовизуал журналистика интернетга кўчди. Онлайн тизимда дунёни забт эта бошлади. Спутник каналлари тез тараққий этяпти. Телевидение ривожланишда давом этаркан, унинг вазифалари ҳам кенгайиб, аҳамияти ошиб бормоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, телевизор 70 фоиздан ортиқ кишилар учун

¹ Бўриева Х. Информацион дастурларда жанрлар ранг-баранглиги, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. – Т.:2013, –Б.48.

ахборот олишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу кўрсаткич ўз-ўзидан телевизион ахборотнинг томошабинга таъсир этиш даражаси қай даражада эканини ва бунда тележурналист зиммасидаги масъулиятнинг қанчалик улкан эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида бу масъулият узатилаётган кўрсатувларга юкланар экан, уларнинг эфирга узатилиш вақти, пайти ва маконига қараб ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳар бир йўналишда тайёрланаётган кўрсатувнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Кейинги йилларда ахборотга бўлган эҳтиёж айниқса ортди.

Телевидение шитоб билан ҳар бир жамият, ҳар бир жамоа, ҳар бир инсоннинг ҳаётига кириб бормоқда. Телевидениенинг мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан ахборот бериши ва уларга нисбатан аҳоли фикрини ҳолисона шакллантиришда муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Бизнинг давримиз айнан ахборот асрига тўғри келди. Яъни ахборот қиммат ва айна пайтда “тез эскириб”, ўз кадр-қиммати, аҳамиятини йўқотадиган маҳсулотга айланадиган замонда яшайпмиз. Шундай экан, бугун ҳеч бир мамлакатни, ҳеч бир жамиятни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу жабҳада телевидение, телекўрсатувлар, айниқса ахборот дастурлари ўзига хос ўрин тутди.

Тележурналистиканинг ҳар учала йўналишдаги жанрлари орасида ахборот жанрлари дастлабки йилларда жуда тез ривожланди. Янгилик топиш, тарқатиш ва узатишда кучли рақобат муҳити вужудга келди. Агар бутун дунё ахборот хизматлари фаолиятига назар ташласак, бу яққолроқ кўзга ташланади. “Би-Би-Си”, “Си-Эн-Эн”, “Ал-Жазира”, Эн-Эйч-Кей телеканаллари нима учун бутун дунёда обрў қозонди. Ахборот тайёрлаш ва тарқатиш борасида кенг қўламли рақобат юзага кела бошлаганди.

Мисол учун, жаҳоннинг етакчи телекомпанияларидан бири ҳисобланган “Ал-жазира” телеканали ахборот етказиш борасида ўз ўрнини топиб олган канал сифатида аудиторияга танилиб улгурган. 24 соат давомида ўз теледастурларини сунъий йўлдош орқали узатади. Каналнинг штаб-

квартираси Қатарнинг “ДОХА” шахрида жойлашган бўлиб, унинг аудиторияси сони 35 миллион деб эътироф этилади. Канал дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатда ўзининг мухбирлар бюросига эга. “Ал-Жазира” телеканали эфир орқали янгиликлар, таҳлилий кўрсатувлар, ток-шоу ва хужжатли фильмлар беришга ихтисослашган.

Каналнинг бир йиллик бюджет кўрсаткичи 30 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, бу маблағ билан уларнинг араб амирлари орасида энг маърифатпарвар деб саналувчи, Қатарнинг халифаси амир Ҳамид ибн Халифа ал-Тоний таъминлаб туради. Ушбу телеканал ташкил топгандан буён мустақил равишда фаолият юритиб келади ва у ҳеч қачон Ахборот Вазирлигига бўйсунмаган. “Ал-Жазира” телеканалининг президенти Амирнинг амакиваччаси шайх Ҳамид ибн Темур ал-Тоний ҳисобланиб, ўзининг “Ҳукумат” журнаliga берган интервьюсида кўп йиллик иш фаолияти натижасида канал деярли барча Яқин Шарқ мамлакатлари ҳукуматларининг ғазабини бир неча бор қўзғатганини айтади. Қатар Халқаро муносабатлар Вазирлигининг хатлари маълум қилишга шу йиллар мобайнида “Ал-Жазира”нинг кўрсатувлари билан боғлиқ расмий равишда юборилган тўрт юздан ортиқ эътироз келиб тушган.

Россия оммавий ахборот воситалари 90-йиллардан бошлаб, ўзининг ҳар томонлама Европача кўринишда такомиллашиб бориши билан ўзига хосдир. Бу даврга келиб Россия телеканалларидаги дастурлар АҚШнинг йирик телеканалларига тақлид қилган ҳолда дастурлар ташкил этилишини кўришимиз мумкин. Бунга қайсидир маънода ўша даврларда Россиянинг иқтисодий қтийинчиликларга ботиб қолгани ҳам сабаб бўлган эди. Бироқ бу каналлар тезда ўзини англаб олди. Шу билан бирга фақатгина ўзига хос бўлган имиджини яратди. Айниқса ахборий кўрсатувлар тайёрлаш ва узатиш мобайнида тезкорлик, аниқлик, холислик тамойилларига риоя қилиниши, ер шарининг исталган нуқтасидан янгиликларнинг тўғридан-тўғри етказилиши

аудиториянинг ахбортга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга унинг ишончини ҳам қозона олди.

Бу жиҳатлар каналнинг тез орада гуллаб-яшнашига ва шиддат билан ривожланишига сабаб бўлди. Ироқдаги воқеаларни эфирга узатишда ўзига хос, бошқа ҳеч кимга таниш бўлмаган нуқтаи назардан ҳаракат қилишди. Ироқ воқеаларда ҳамма Саддам Ҳусайнни қоралаётган бир пайтда НТВ АҚШнинг манфаатлари нуқтаи назаридан амалга ошираётган ҳийланайранглари кенг жамоатчиликка очиб ташлади. Ҳатто НТВ канали Саддам Ҳусайн осилаётган жараёни “АҚШ манфаатлари йўлидаги қурбонлик дея баҳолайди”².

Бугунги кунда телеканалларнинг энг катта ғоявий тарғибот ва ташвиқотга эга эканлиги ОАВлар ичида энг катта аудиториянинг янгиликларга бўлган эҳтиёжини қондириши билан асосланади. Дунёдаги барча давлатларда аҳолининг деярли 70-80 фоизи ўзи учун керакли ахборотни айнан телевидениедан олади. Бу ҳам фикримизнинг далили. 21-асрда сунъий йўлдош орқали ахборот қабул қилиш ва узатиш жараёни Россия телетармоқлари имкониятларини ниҳоятда ошириб юборди. Бугунги кунда Россия телевидениесини НТВ каналисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу канал Россия журналистикасига янгича руҳ бахш этишда улкан ишларни амалга оширди.

НТВ телекомпанияси 1993 йилда ташкил топган бўлиб, федерал мақомга эга ягона Россия хусусий телеканали ҳисобланади³. 1994 йил 17 январда НТВ яшил доира белгиси остида федерал каналда пайдо бўлди. “Борис Елцин буйруғига асосан НТА ўз ишини тўртинчи частотада олиб боради. Ҳар куни кечкурун соат 18:00да Киселёвнинг “Итоги” ва “Сегодня” дастури эфирга чиқади⁴”. Томошабинларни ўшанда кўпроқ Лос-Анжелос Ва Канададан сотиб олинган ғарбнинг кинолари қизиқтирарди.

² www.ntv-news.ru

³ Andrew G.S. World Radio TV Handbook. Amsterdam 1994. -P.7.

⁴ <http://www.ntv.ru>. о компании

“Ахборотни шунчаки хабар деб билиш нотўғри, у биз сезмаган ҳолда бизнинг жамиятимизни, ҳатти-ҳаракатларимизни ва онгимизни бошқаради”⁵ - деган эди германиялик назариётчи журналист Мэри Кидмон. Биз ахборотни танишиб фақатгина янгиликдан хабардор бўлиш билан чегараланмаймиз. Ўйлаймиз, фикрлаймиз ва натижада маълум бир хулоса ва тўхтамларга келамиз. Бу эса ўз ўрнида келажак қайсидир ўринда фаолиятимизга таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бироқ бу таъсир ижобий ёки салбий, фойдали ёки фойдасиз бўлиши мумкин. Бу эса бевосита таъсир объекти ва унинг ёндашувига бориб тақалади. Баъзи пайтларда ахборот тескари таъсир этиб, мутлақо кутилмаган натижаларга ҳам олиб келиши мумкин. Албатта, мазкур жараёнда журналист маҳорати ва ёндашувига боғлиқ бўлиб қолади. Аввало, томошабинга берилаётган янгилик, хабар тезкор, холис ва тўғри етказилиши, унинг шу мавзуга доир билимларини тўлдириши, шунингдек аниқ бир хулосага чорлаши лозим. Мазкур шартларнинг бирортаси ҳам бажарилмас экан, журналист етказмоқчи бўлган хабар ижтимоий қимматини йўқотган бўлади.

Россиянинг “РТР” (“Россия”) телеканали мамлакатнинг бугунги кундаги энг етакчи ва машҳур телеканалидир. Канал кўрсатувлари нафақат Россияда, балки МДХ ва бошқа хориж мамлакатларида ҳам севиб томоша қилинади. “Россия” телеканали дастурлари Россия аҳолиси ҳаётига шунақа кириб борганки, уни томоша қилиш кўпчилик учун анъанага айланган. Шу давр мобайнида канал ижодкорлари ката тажриба тўплади ва ўз дастурлари мундарижасини йилдан-йил бойитиб бормоқда.

“Вести” информацион дастури “Россия” телеканалининг асосий визит карточкаси вазифасида ўтади ва мамлакатнинг асосий ахборот дастурига айланди. Бошловчилар тўғридан-тўғри эфирда томошабинларни куннинг энг долзарб сиёсий, ижтимоий, мадани ва спорт янгиликлари билан

⁵ Кидмон М. “Ахборий жамият шартлари”, Бонн 2002.

таништиради. “Вести” дастури орқали каналнинг Россиядаги ва бутун жаҳондаги корресподентлар энг муҳим воқеалар ҳақидаги репортажларни Россиянинг барча нуқталарига етказа бошлади. Профессианал талабга жавоб берадиган, қисқа муддатда энг янги, аниқ ва қизиқарли ахборотларни етказишни мақсад қилиб қўйилган. Москва вақти билан 21:00да Узоқ Шарк учун “Вести” ахборот дастури тўғридан-тўғри эфирда биринчи тонгги сонини эфирга узатади. Бу Узоқ Шаркқа транция қилинади. “Вести” информатсион дастури 24 соат давомида ахборот тарқатиш давомида асосан жонли эфир олиб боради. Дастурнинг энг катта ютуғи шундан иборат. Дастурда воқеаларни фақат мавзу жиҳатидан эмас, ахборот манбаи ва бошқаларни ҳам инобатга олиб, бир қанча рукнлар ташкил этилган: “Вести новости”, “Вести-интервью”, “Вести-ракурс”, “Вести-экономика”, “Вести-спорт”, “Вести-приволже”, “Вести-культура”, “Вести-мобильный репортёр”, “Вести погода”, “Вести-без комментариев” ва бошқалар. Шу алфозда суткасига дастурнинг ўнта сони тўғридан-тўғри бериладиган бўлди. Мисол учун, 2005 йил ноябрдан бошлаб кўрсатувнинг 11 да ва 17 да бериладиган сонларида энг долзарб молиявий хабарлар, Россия ва жаҳон бозорларининг сўнгги янгиликлари асосида “Вести. Экономика” рубрикаси берилди бошлади. Сергей Брилов, Андрей Кондрашов, Марина Ким каби бошловчиларни телевидение томошабинлари яхши танишади.

Дунё олим ва тадқиқотчилари томонидан янгилик – бу энг қиммат ва энг тез эскирадиган маҳсулот деган хулосага келишган. Телевидение орқали хабар ва янгиликлардан хабардор бўлиш ҳар бир инсон учун сув ва ҳаводек зарур. Янгилик инсонлар учун кундалик эҳтиёжга айланди. Маълум даражада жамиятда мавжуд бу истакни қондириш ва бунинг негизида мўмай даромад қилиш, ахборот бозорида ўз манфаатларига хизмат қилувчи ғояларни илгари суриш телевизион янгиликлар дастурларини бирламчи мақсади этиб белгиланди. Тўғрироғи, ҳар қандай давлат бугун ўз нуфузини, салоҳиятини қўйингки, у ёки бу ҳодисага муносабатини интернет билан бир қаторда айнан телевизион янгиликлар дастурлари орқали тарғиб қилишга асосий кучини

ташлаган. Ахборот бозорида эса аллақачон етакчилар шаклланиб улгурди. Ахборот етказиш бобида бозори чакқон компаниялар сифатида тадқиқотчи Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш жараёнида “Евроньюс” ҳақида ҳам сўз юритади. Ахборот тайёрлаш бобида бу телехизмат қизгин нуқталарда содир бўлаётган воқеани тасвирларда тўғридан-тўғри кадр ортидаги муаллиф сўзисиз намоиш этади. Айни пайтда Ўзбекистон телеканаллари орқали эфирга узатилаётган ахборот дастурларида хориж хабарларини тайёрлашда хориж мамлакатларининг бир қанча телехизматлари манбалари қаторида “Евроньюс” манбаларидан ҳам фойдаланади. “Вести”, “НТВ” канали хабарларидан миллий телеканалларимиз ахборот дастурлари ҳам кенг фойдаланади. Телевидениенинг ахборот тарқатиш вазифаси кундан-кун ривожланиб, кучли рақобат муҳитини юзага келтирди. Жойларда бўлаётган энг сўнгги янгиликларни топиш ва тарқатиш борасида бозор талабларидан келиб чиқиб кураш бошланди. Яъни, ахборот “товар”га айлана бошлади.

Мамлакатимзда ҳам телекўрсатувлар орасида ахборот дастурлари нисбатан кўпчилик эътиборини қаратади. Чунки, одамлар ҳар соат, ҳар дақиқада янгиликка, янги хабарга ташналик сезадилар. Бу эса, бугунги кун журналистларидан катта масъулиятни талаб этади. Шу боисдан ҳам ахборот дастурлари ижодкорлари зиммасида масъулият юки ниҳоятда катта. Ахир у минглаб томошабинларга шу куннинг энг долзарб, энг сўнгги воқеаларини етказишда маъсул шахс ҳисобланади.

Аввал давлат телевидениеларида “Ахборот” биргина информацион таҳририят маҳсулоти сифатида эфирга узатилган бўлса, ҳозирда унинг қаторида “Давр”(“Ёшлар”), “Пойтахт”(“Тошкент”), “Хабарлар”(“Спорт”), “Бугун” (“Маданият ва маърифат”), “Дунё бўйлаб: янгиликлар”(“Дунё бўйлаб”), “Диёр янгиликлари”(“Диёр”) каби кўрсатувлар фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, соҳага доир бўлган “Камолот инфо”, “Бизнес хабарлари” каби дастурлар ҳам ўз йўналишида мавзу доирасидан келиб чиқиб, томошабинларни сўнгги янгиликлардан бохабар қилмоқда.

Шунингдек, “МУ5” ва “Uzreport” нодавлат телеканалларининг информацион блоклари ҳам бунга мисол бўла олади.

Мисол учун ҳар куни ва доимо бир вақтда томошабинларга ҳавола этилаётган “Ахборот” информацион дастурида асосан, юртимизда бўлиб ўтадиган ижтимоий сиёсий воқеалар, жумладан, сиёсий партиялар фаолияти, халқаро конференциялар, юртбошимизнинг чет эл давлатлари билан олиб борадиган дипломатик муносабатлари, шунингдек республика миқёсидаги йирик тадбирлар (ёшларнинг етук камол топиши, салоҳиятини ривожлантириш бўйича яратилган кенг имкониятлар) ёритиб борилади.

Ахборот бозорида ўз ўрнини топишга интилаётган ОАВ борки, омма талабидан келиб чиқадиган информациялар орқалигина муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Зеро ахборот товар характерини олар экан, ўз-ўзидан рақобат ҳам пайдо бўлади. Айниқса, телеэфирларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бинобарин информация тарқатиш борасида телеэфирлар учун кеча ва эрта деган тушунчалар бўлмайди. Тафсилот ва ахборотлар турли жанрлар орқали намоён бўлади.

1.3.Ахборий дастурларда жанрлар хилма-хиллиги

Телевидениенинг ўзига хослиги, унинг ўз функцияларини бажаришда сўз ва тасвир бирлигидан фойдаланишидир. Публицистика билан бир қаторда санъатнинг турли кўринишларидан фойдаланиши сабабли ундан меҳнат жамоа тарзида қурилади, яъни журналистика, тасвирга олувчилар, санъат талабларини бажарувчи – режиссёрлар ҳамда оғзаки нутқ усталари – бошловчи ва суҳандонлар, шарҳловчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Матбуотнинг, яъни, публицистиканинг уч – ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик қисмларига хос бўлган деярли барча жанрлари телевидениеда ҳам қўлланилади. Булар телевидениенинг хусусиятлари қўшилгач, телехабар, телерепортаж, телелавҳа, телесуҳбат (телеинтервью), телешарҳ, телеочерк ва

бошқаларга айланди. (Газета ва журналга хос бўлган мақола жанри “телечиқишлар” номи билан берилиши мумкин).

Кузатувларга қараганда, телекўрсатувлар орасида ахборот дастурлари кўпчиликнинг эътиборини қаратади. Чунки одамлар ҳар соат, ҳар дақиқда янгиликка, янги хабарга ташналик сезади. Бу эса, бугунги кун журналистларидан катта масъулиятни талаб этади. Шу боисдан ҳам ахборий дастурлар ижодкорларининг зиммасидаги юк ниҳоятда катта. Ахир у минлаб томошабинларга шу куннинг энг долзарб, энг сўнгги воқеаларини етказишда масъул шахс ҳисобланади.

“Ахборий кўрсатувларда воқелик ортиқча бўёқларсиз томошабинга етказилади. Бундай шароитда, айниқса, ахборий жанрларда холислик, ҳаққонийлик, тезкорлик принциплари эътибор бериш талаб этилади”⁶.

Ахборийга **хабар, интервью, ҳисобот, янгилик, суҳбат, лукма (реплика)**, яъни телерепортажга қадар бўлган барча жанрларни киритиш мумкин. Зеро, ахборот тушунчаси қайсидир маънода маҳсулот характери олар экан, ўз-ўзидан рақобат ҳам юзага келади. Айниқса, телеэфирларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бинобарин, информация тарқатиш борасида телеэфирлар учун кеча ва эрта деган тушунчалар қайсидир маънода бегона. Фақатгина тафсилотлари бир ёки бир-неча кунга чўзиладиган ахборотлар турли жанрлар орқали берилишини истисно қилганда, албатта. Хусусан, доим тилга олинадиган “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телеканаллари орқали эфирга узатиладиган “Ахборот”, “Давр” информацион дастурлари билан бир қаторда “Тошкент” каналидаги “Пойтахт”, “Спорт” каналидаги “Хабарлар”, хаттоки “МУ5” каналидаги “МУ5 news” дастурида ҳам тезкорлик биринчи ўринга чиққан. Айтиш мумкинки, тақдир кўп жойда рақобат юзага келади. Рақобат эса ривожланишнинг гаровидир. Фикримизча, ахборий кўрсатувларнинг кўпайиши нафақат ўзгача журналистик

⁶ Хамроев Н. Ахборот кўрсатувларида мавзу танлаш ва уни олиб чиқиш масалалари, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2013, —Б.63.

услугларнинг кашф этилишига, балки ахборий жанрларнинг тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда ахборот жанрлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. *“Айни пайтда асосан, репортаж, хабар ва янгилик жанрлари қўлланилмоқда. Буни том маънода, деб айтиш нотўғри бўлади”*⁷. Зеро, интервью ва лўқма жанрлари ҳам истёъмолда.

Кузатувларга қараганда, телекўрсатувлар орасида ахборот дастурлари нисбатан кўпчиликнинг эътиборини қаратади. Чунки одамлар ҳар соат, ҳар дақиқада янгиликка, янги хабарга ташналик сезади. Бу эса, бугунги кун журналистларидан катта масъулиятни талаб этади. Шу боисдан ахборий дастурларининг ижодкорлари зиммасидаги масъулият юки ниҳоятда катта. Ахир у минлаб томошабинларга шу куннинг энг долзарб, энг сўнгги воқеаларини етказишда масъул шахс ҳисобланади.

Миллий телеканалларимиз ҳақида сўз кетар экан, аввало, у орқали халқаро, республика, вилоятларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётига оид муҳим материаллар берилиб борилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ахборий-таҳлилий саҳифалари халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши йўлида хизмат қилмоқда.

Ахборий ТВдаги туркум кўрсатувларда воқелик ортиқча бўёқларсиз томошабинга етказилади. Бундай шароитда, айниқса, ахборий жанрларда холислик, ҳаққонийлик, тезкорлик принципларига эътибор бериш талаб этилади. Фикримизча, ахборий дастурларида мавзу танлаш ва уни эфирга олиб чиқишда ҳар бир журналистнинг қалами ўткир, ақли теран, оқни қорадан фарқлай оладиган даражада зийрак бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда улар жўшқин ҳиссиёт билан яшай туриб, ҳар бир масалага вазминлик билан ёндашишлари зарурдир.

⁷ Бўриева Х. Информацион дастурларда жанрлар ранг-баранглиги, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. – Т.:2013, –Б.48.

“...ТВга “яқинроқ бориб” кузатсак ва ёки соҳадан бевосита хабардор бўлганлар биладики, йил давомида ахборот дастурларида икки марта “ўлик мавсум” бўлади. Бунинг асосий сабаби, хабарлар хатлар асосида тайёрланади. ...Қишки “ўлик мавсум” январга – ҳар бир ташкилот йил бошида фаолиятини янгидан изга тушираётган ва ёзда – таълим муассасаларининг дам олиш пайтига тўғри келади. Аудитория ва журналистлар учун умумий муҳимлик шундаки, бу вақт давомида улардан ижод қилиш талаб этилади. ... Хўш, маълумотларнинг барчаси “лавҳа” деб қаралишига умумий қўникиш, берилаётган ахборотларнинг икки томчи сув каби бир-бирига ўхшаб қолишига асосий сабаб нимада? Ахборот манбаи тадбир бўлгани ва матннинг бир киши таҳрир қилиши маълумотларнинг умумийлик жиҳатини ошириш ва журналистларнинг турфа ёндашувига тўсқинлик қилмоқда”⁸.

Хулкар Бўриева таъкидлаган “ўлик мавсум” тушунчасига қўшилиш қийин. Ахборот бозорида ҳамиша ахборотга эҳтиёж сезилади. ТВда мавзулар хилма-хиллиги жуда кенг. Ёз ёки қиш мавсумининг ҳам ўз муаммолари бор. Фақатгина, журналистларнинг изланувчанлиги ва маҳорати мавзуларни топа олиши ва таҳлилида намоён бўлади.

“Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ахборот” ва “Ёшлар” телеканалининг “Давр” информацион дастурларидаги чиқишлар бир-бирига ўхшан. Хўш, бу ўхшашликнинг асосий сабаби нимада? Бунинг боиси шундаки, ахборот манбаи – тадбир. Иккинчи муҳим сабаб, бир киши томонидан матн таҳрир қилиниши. Мазкур икки омил маълумотларнинг умумийлик жиҳатини ошириш ва журналистнинг турфа ёндашувга эҳтиёжи камайгани боис маҳорати ҳам кун сайин сўниб бориши натижасида “ўлик мавсумда” шунчаки четга чиқиб қолишига замин яратмоқда.

Аслида, ахборий кўрсатувлар ўзининг “қуруқ”лиги – содда, тезкор, ишонарли, мазмунли, шу билан бир қаторда қисқа бўлиши билан ажралиб

⁸ Бўриева Х. Информацион дастурларда жанрлар ранг-баранглиги, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2013, –Б.49.

туради. Ана шу хусусият ижодкорлардан ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Бироқ, бугун ахборотлар оқими юзага келган бир даврда томошабин ҳам бемалол ўз ахборотини қайси манбадан олишни билади. Хусусан, телеканаллар ўртасидаги рақобат ҳам айнан мазкур жиҳат орқали юзага келади. Шу сабабдан, ахборий кўрсатувлар, уларнинг жанрларига ҳам жиддий эътибор қаратиш, уларни ривожлантириш мақсадида изланиш олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Телевидениеда ахборий жанрлар муҳим роль ўйнайди. Уларга қуйидагилар киради:

1. Видеосюжет (қисқа хабар)
2. Ҳисобот:
 - Давлат ва ҳукумат делегацияларининг ташрифи
 - Расмий ташрифлар тўғрисидаги кўрсатувлар
3. Репортаж. Репортажнинг ўзи ҳам бир нечатургабўлинади:
 - Тўғридан-тўғри репортаж
 - Репортаж-трансляция
 - Воқеали репортаж
 - Режалаштирилган (ташқил этилган) репортаж:

Режалаштирилган репортажлар одатда маълум бир мақсад билан долзарб мавзуларда ташқил этилади:

- Муаммоли репортаж
 - Репортаж - портрет
4. Интервью. Экспресс-сўров. Қаҳрамон портретини яратиш мақсадида олинадиган интервью.
 5. Сухбат.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ахборот даврида журналистларга алоҳида масъулият юкланади. Жаҳон телеканалларида ахборот етказиш борасида тўпланган тажриба, соҳага янгича қарашни талаб этади. Бу ҳолатни тўлиқ ифодалаб бериш учун янада кўплаб тадқиқот ва кузатишлар олиб

бориш лозим. Фикримизча, ҳар қандай ҳолатда ҳам юртимиз ахборот бозорида телеэфирларнинг ўрнини мустаҳкамлаш учун жанрларга қўйиладиган талабларни ошириш лозим. Бу эса, журналистнинг ўз устида тинимсиз изланиши, ахборотга янгича ёндашув ҳамда аудиториянинг эътиборини тортиш каби қатор муҳим ва долзарб вазифаларни амалда ижобий ҳал этиш имконини беради. Қуйида “Uzreport” телеканалидаги чиқишлар мисолида фикримизни давом эттирамиз.

2-БОБ. “UZREPORT” ТЕЛЕКАНАЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ

2.1. “Uz report” телеканали ҳақида умумий маълумот

Журналист давлат билан халқ орасидаги воситачи экан, унинг ўз касбий- ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини яхши билиши, амалда қўллаши муҳимдир. Бунинг учун унинг нафақат ахборотни қабул қилиши ва жамоатчиликка етказиш маҳорати, шунингдек тафаккури, маданияти, дунёқарашининг кенглиги ҳам асосий мезондир. Кейинги йилларда журналистларнинг эркин фаолият олиб бориши учун қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, оммавий ахборот воситалари сони ва салмоғи жихатдан ошиб бораётир.

2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 1,4 мингга яқин оммавий ахборот воситалари, жумладан, 970 дан зиёд босма ва 100 электрон нашр (радио ва телеканаллар) рўйхатдан ўтган. 1991 йилги кўрсаткич билан таққослаганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ сони 3,5 марта марта ошган. 53,4 фоиз босма оммавий ахборот воситаларининг муассислари нодавлат ташкилотлардир⁹.

Телеканаллар тармоғи изчил кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда “Маҳалла”, “Дунё бўйлаб”, “Маданият ва маърифат”, “Оилавий”, “Диёр”, “Кинотеатр”, “Болажон”, “Uzreport TV” каби янги телеканаллар очилди. Ўтган 2014 йили янги “Менинг юртим” – “MY5” телеканали тест режимида эфирга узатила бошланди. Мазкур телеканаллар фаолияти ёшларни бунёдкорлик, яратувчилик руҳида тарбиялаш, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилган. 29 фоиз теле ва радиоканалларга давлат

⁹ www.uza.uz 21.05.2015.

ҳокимияти ва бошқаруви органлари муассислик қилмоқда, 67 фоизининг муассиси эса нодавлат ташкилотларидир.

Оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилган интернет ресурслари ҳам сезиларли ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда уларнинг сони 2 баробардан кўпроқ ортиди. Хусусан, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304 тани ташкил этди. Шундан 95 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

2014 йил 28 апрель куни Ўзбекистонда “Uzreport TV” телеканали тест режимида ўз дастурларини эфирга узата бошлади. Ушбу канални рақамли ТВ-тюнерга эга телевизион қурилмалар орқали томоша қилиш мумкин. “Uzreport” ахборот агентлиги берган хабарига кўра, “Uzreport TV” энг фаол инсонларга мўлжалланган мустақил нодавлат телеканал бўлиб, замонавий ахборот тарғиботи, энг сўнгги янгиликлар ва бизнес-канал сифатида фаол ишбилармонлар доирасига мўлжалланган.

Дастурлар икки тилда узатилиб, ҳар соатда Ўзбекистон ва хорижда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бизнес характерга эга энг муҳим маълумотлар билан янгиланиб туради. ва ҳар соатда эфирга узатади. Дастурлар жадвалидан янгиликлардан ташқари таҳлилий муаллифлик дастурлари, иқтисоднинг турли йўналишлари, хусусан молиявий бозор борасида экспертлар шарҳ ва изоҳлари ҳамда мутахассислар билан интерактив кўринишда муҳокама ва интервьюлар, шунингдек ижтимоий-маърифий ва илмий-ўрганишга қаратилган ҳужжатли фильмлар ўрин олади.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тармоқлари ҳақидаги музокарали мавзудаги муаллифлик кўрсатувлари, шунингдек молия бозорлари, банк тизимлари, суғурталаш ва лизинг соҳалари борасидаги фикр-мулоҳазали, суҳбат тариқасидаги кўрсатувлар, мутахассислар билан интервьюлар ҳамда маданий-маърифий мавзулар мунтазам равишда ёритилиб борилади.

“Uzreport TV” telekanali “Uzreport ахборот агентлигига телекўрсатувлар тарқатиш хизмат ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, Алоқа давлат кўмитаси томонидан берилган №0004217 сонли лицензияси асосида эфирга узатилади. Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда “Uzreport ахборот агентлиги” бизнес-ахборотлар майдонида “Uzreport.uz” интернет-портали ва “Business Report” телелойиҳаси билан фаолият юритиб келаётган эди. Мазкур ОАВнинг мақсади иқтисодий ва бизнес-янгиликлар мавзусидаги ахборотларга йўналтирилган.

Янги телеканални рақамли ТВ-тюнери орқали томоша қилиш мумкин. “Uzreport TV” – “Узрепорт ахборот агентлиги” телелойиҳаси ҳисобланади. Телеканал ижодий жамоасини асосан ёшлар ва илгари давлат телевидениесида меҳнат қилган тажрибали журналистлар ташкил этади. Мисол учун, Александра Желиховская (“Toshkent” телеканали "Пойтахт" дастурининг собиқ бошловчиси), Гулноза Хусанова (“Ёшлар” телеканали “Давр” дастурининг собиқ бошловчиси).

Дунё миқёсидаги янгиликлар дастурлари одамлар диққатини тортувчи энг янги ва эътибор талаб воқеалар билан бошланади. “Бош янгилик – хэдлайнер (инглизчадан head line - сарлавҳа) – янгилик, информацион дастур одатда нисбатан муҳим ва тез етказиш керак бўлган хабар”¹⁰ ҳисобланади. “Uzreport TV” дастури ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, ўз дастурларини тайёрлайди. Яъни, таҳририят томошабин учун аввало қизиқарли бўлган хабарларга эътибор қаратади.

Телеканалларнинг ғоявий тарғибот ва ташвиқот кучига эга эканлиги ОАВ ичида энг кенг аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириши билан асосланади. Дунёдаги аксарият давлатларда аҳолининг деярли 70-80 фоизи ўзи учун керакли ахборотни айнан телевидениедан олади. XXI-асрда сунъий йўлдош орқали ахборот қабул қилиш ва узатиш жараёни бутун жаҳон телетармоқлари имкониятларини ниҳоятда ошириб юборди.

¹⁰ Каримов А. Аудиовизуал журналистика(тележурналистика), Т.: ЎзДЖТУ, 2012. Б.32.

Янги асрда ахборот билан унинг истеъмолчиси ўртасидаги муносабатлар ўзгармоқда. Илгари аудитория вакиллари мавжуд оммавий ахборот оқимини қабул қилиб олишга улгурарди. Ахборот глобаллашуви, аудиовизуал журналистика ва интернет ривожланиши билан умумий, яхлит аудитория деган тушунчалар йўқола бормоқда. “...телекоммуникация, ахборот технологиялари соҳасида рўй берган кашфиёт ва ихтиролар, ахборот олиш ва тарқатиш учун кенг имкониятлар очиб берувчи компьютер техникаси, халқаро ахборот алоқа тизими, интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши жамиятимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда давлат ва жамиятнинг ривожланганлиги ва маданийлашганлиги мамлакатда ахборот технологиялари қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади”.¹¹

Жаҳон телеканаллари орасидаги аёвсиз рақобат уларнинг ҳар бирида ўзига хос бирор жиҳат бўлишини тақозо этади. Янгилик ва тезкорлик бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи АҚШ телевидениеси аудитория истеъмоли даражасидаги, унинг эҳтиёжини қондира оладиган маҳсулотлар – кўнгилочар дастурлар, сериаллар ишлаб чиқаришдан чарчамаяпти. Филология фанлари номзоди А.Каримовнинг таъкидлашича “Ҳозирда тескари қонуният, яъни инсон ахборотни эмас, аксинча, ахборот ўз истеъмолчисини излаш жараёни кузатилмоқда”¹².

Телеканаллар учун медиа бозорида ўз маҳсулотини қониқарли нархда сотиш ва омма муҳаббатини қозониш жуда қийин. Самарали чоралардан бири – ихтисослашиш. Иложи борича рақобат кам бўлган аҳоли қатлами учун кўрсатув тайёрлашга киришилган. Бугунги кунда деярли ҳамма канал аудиториянинг ёши, қизиқиши, келиб чиқиши, машғулотларига кўра кенг маънодаги ихтисослашувдан тортиб, ўсмирларнинг турли гуруҳлари, боғдорчилик, мода каби тор доирадаги ихтисослашувгача қамраб олмоқда. Бугунги телевидение ҳақида гапирганда, Америка журналистларининг турли минтақа ва ҳудудлардан сюжетлар тайёрлаш маҳорати ва мана шу жараён

¹¹ Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: “Академия”, 2007. – Б.11.

¹² Каримов А. Телевидениенинг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида) мавзусидаги номзодлик диссертацияси автореферати, Т: 2011.

доирасидаги минтақавий ихтисослашув ҳақида айтмаслик мумкин эмас. “Uzreport TV” телеканалининг ўзига хос бўлган жиҳати аудитория эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, эҳтиёж энг юқори бўлган йўналишни танлаб олади. Фақат, информация бериб турувчи канал сифатида ўз форматини белгилаб олди. Бу йўналишда Ўзбекистонда канал йўқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ТВ соҳасида дастурлаш жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирда мамлакат телеканалларида бу борада ягона дастурлаш сиёсати юритилади. Тизимда кузатилаётган ўзгаришлар ана шу дастурлаш тамойилларига мос тарзда такомиллашиб бормоқда. Дастурлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир кўрсатув ва каналнинг ўз дастурлаш сиёсати ишлаб чиқилади. Дастурлаш сиёсати ихтисослашувни ҳам ўз ичига киритади.

Ҳозирда мамлакатимиз телеканалларида ҳам ихтисослашув кўзга ташланмоқда. Мисол учун, аудитория ёши ва қизиқишлари нуқтаи назаридан “Ёшлар” телеканали фақат ёшлар учун, соҳага ихтисослашиш нуқтаи назаридан “Спорт” (спорт соҳасига) , “Наво”(муסיкий-кўнгилочар), “Кинотеатр” (кино ва театр намойишлари) каналлари фаолият олиб бормоқда. “Оилавий” канали бутун оила учун кўрсатув тайёрлаяпти. Шунинг қайд этиб ўтиш керакки, маълум бир соҳага йўналтирилган, ихтисослашган кўрсатувлар ҳам мавжуд. “Uzreport TV” иқтисодий ахборотлар йўналишини қамраб олди ва шу йўналишда дастурлар тайёрламақда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида телевидениега тижорийлашув кириб келди ва давом этмоқда. Бугун телевидение иқтисодиётида оммавий аудиторияга қаратилган реклама бирламчи ўрин касб этади. Шундай бўлса-да, тармоқлар медиа бозорда дастурлар сонини кенгайтириш, аудио ва видеокассеталар ишлаб чиқиш, ўз кўрсатувлари учун муаллифлик ҳуқуқларини сотиш каби бошқа тижорий амаллар билан ҳам шуғулланиш орқасидан ҳам даромад кўради¹³.

¹³ Гидденс Э. Социология.Т.: Шарқ, 2002. – Б.492-493.

Маълумки, иттифоқ парчалангандан сўнг Россия телевидениесида ўзгаришлар содир бўлиб, у бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб фаолият кўрсата бошлади. Ўз ўрнида Россия ОАВга Ғарб телевидениелари таъсир ўтказган. Телевидение ҳақида гап борар экан, унинг реклама ва савдонинг кучли стимулятори сифатида дунёга келгани, товарлар ва хизмат турларини такдим этишнинг энг мақбул воситаси сифатида қаралаётгани таъкидланади ва “Реклама берувчилар ва ҳомийлар энг янги, самарали ва интенсив усуллар орқали “совға”ларини аудиторияга йўналтиришмоқда” дейилади¹⁴. “Uzreport TV” телеканали реклама орқали, ҳомийлар ортидан аудиторияга ахборот улашишда давом этмоқда. Яъни, каналда рекламага ва ҳомийларни тарғиб-ташвиқ қилишга кенг аҳамият қаратилади.

Пулли телевидениенинг юзага келиши, ахборот кўринишидаги рекламалардан фойдаланиш, кино ва сериаллар оғушида реклама маҳсулотларини тарқатиш реклама берувчиларга катта фойда келтирмоқда. Тижорат телевидениелари ва шу йўналишлардаги кўрсатувлар кўпаймоқда. Тижорийлашувнинг телевидение соҳасига илдам кириб келиши миллий телеканалларда ҳам кузатилди. Товарлар ва хизматлар рекламаси йўлга қўйилди. Реклама беришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди ҳамда меъёрлар белгиланди. Тижорат кўрсатувлари вужудга келди. Бу – XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида Ўзбекистон телевидениесида жиддий тус олган ҳодисадир.

Бутун дунёда давлатга қарашли бўлган каналлар эмас, айнан хусусий каналлар аудиториянинг асосий қисмини эгаллаб олган. Тадқиқотчи А.Каримов Р.Макнейлнинг “Халқни бошқариш машинаси” китобидаги: “Телевидение жамиятни сиёсий хабардор этишда шу қадар катта ўзгаришларга сабаб бўлдики, республика (АҚШ назарда тутиляпти) пайдо бўлгандан бери бунақа ҳодиса ҳали кузатилмаган. Телевидениенинг кенг ёйилишига қадар, ҳеч бир восита оммани ишонтириш техникасига – улкан

¹⁴ Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Малыхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С.177.

ўзгаришларни вужудга келтиришга қодир эмасди”¹⁵ деган жумлаларни келтиради. Оммани ишонтиришда нодавлат телеканаллар ўз концепциясини аниқ белгилаб, аудитория талабини ўрганган ҳолда дастур тайёрлайди ва шунинг учун ҳам омма орасида яхши мавқега эга.

Мамлакатимизда хусусий каналлар фаолиятига кенг аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўз маърузаларида бу масалага бир неча марта эътибор қаратиб, телерадиоиндустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида: “Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга”¹⁶лигини яна бир бор таъкидлаганди. “Uzreport TV” телеканалининг ўзига хос хусусияти – унинг хусусийлиги. Телеканал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз сиёсатини олиб боради.

Ҳозирда хориж телевидениесида тенденция тусини олган бир қанча жиҳатлар бор. Шунини инобатга олган машҳур CNN телеканали ўз дастурларини эфирга узатмасдан илгари еттига жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, уларни анъана сифатида ишлаб чиқди: яхши суҳандон, телехизматнинг бошқалардан ажралиб туриши учун эмблема ва қизил рангдан фойдаланиш, мухбир ва суҳандон комбинацияси, логотип ва

¹⁵ Каримов А. Телевидениенинг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида) мавзусидаги номзодлик диссертацияси автореферати, Т: 2011.

¹⁶ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.143.

графикага эътибор, интершум, бой графика ҳамда улардан бири мусиқа эди. Телехизмат ўз лавҳалари, “шапка” ва “отбивка”лари учун махсус мусиқа танлаган ва улардан унумли фойдаланган. Шу мусиқани эшитган заҳоти узоқдаги томошабин ҳам канални таний бошлади ва экран қаршисига шошилган.¹⁷ “Uzreport TV”да ана шу жиҳатлар – замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзида қамраган телевиденининг тасвир кучи техник имкониятларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Журналистика назарияси ва амалиёти соҳасида фаолият олиб бораётган Назира Тошпўлатова томонидан “...ҳозирда на Ўзбекистон Республикаси ҳаётини, на замонавий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ёшларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари мислсиз даражада ривожланаётган бир пайтда, айтиш мумкинки, ёшлар бу соҳада илғор ва ишончли куч саналади. ОАВнинг қайси бир тури олинмасин: радио, телевидение, газета, журнал ёки Интернет нашрлари бўладими, ҳаммасида ёшларнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Имиж бир хилликка ранг-баранглилик, анъанавийликка ноанъанавийлик, даврийликка замонавийликни олиб қиради. ОАВ имижи ташаббускорлари ҳам айнан ёшлар” эканлиги таъкидланади¹⁸. “Uzreport TV”да ёшлар ўрни ҳам сезилса-да, канал телевидениега хос бўлган имиждаги бир хилликка ранг-баранглиликни, анъанавийликка ноанъанавийликни, даврийликка замонавийликни олиб қира олди.

Кейинги йилларда бутун жаҳон телевидениеларида кузатилаётган бир ҳолат борки, бу тўғридан-тўғри эфирларнинг жорийланишидир. Тадқиқотчи Ю.Ортиқова интерактив журналистиканинг аудитория учун қулайлик тарафлари ҳақида сўз юритиб: “Интерактив журналистика матбуот, радио, теле-, интернет журналистика имкониятларини жамлаган ҳолда аудитория учун қулайлик яратди. Бунда муҳлис ахборотни тақдим этиш жараёнида бевосита журналист билан баб-баравар ҳамкорлик қилади. Чинакам

¹⁷ Бердиқулов А. Си-Эн-Эн телехизмати. С.Умиров таҳрири остида. Т.: ЎзДЖТУ. 2004. – Б.20-21.

¹⁸ Тошпўлатова Н. Ёшлар ОАВ имижди, // Ўзбекистон матбуоти. 2008 йил №1. – Б.28-29.

интерактивлик ана шундагина пайдо бўлади. Айнан аудиториянинг журналистга ҳаммуаллифлиги интерактив журналистикани бошқаларидан ажратиб туради”- дейди.¹⁹ Жонли мулоқотларга ҳам “Uzreport TV” катта аҳамият бериб келмоқда. Ўзбек тилидаги эфирларда бу унча кўзга ташланмаса-да, рус тилидаги эфирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “Uzreport TV”нинг бир қанча хусусиятлари мавжуд. Яъни, каналнинг:

- янгиликларга ихтисослашгани;
- иқтисодий-молиявий йўналишни қамраб олгани;
- реклама ва ҳомийлик чиқишларига кенг аҳамият қаратгани;
- каналнинг хусусийлиги;
- энг сўнгги техник имкониятлардан фойдалангани;
- ўз имижини ярата олгани;
- интерактив чиқишларга кенг аҳамият қаратгани ва бошқалар.

2.2. Ахборий кўрсатувларни тайёрлашда журналистлар маҳорати масалалари

Барча оммавий ахборот воситаларининг ўз моҳиятига кўра, биринчи ва асосий функцияси – шахс, давлат ва жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, телевидение ушбу вазифани бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан тўлиқ, ишончли ва таъсирлироқ бажара олиши билан аҳамиятлидир. Сўнгги йилларда телевидение соҳаси мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Юқори технологиялар, ахборот етказиш жараёнининг компьютерлаштирилиши, сунъий йўлдош тизимларининг такомиллаштирилиши телевидение

¹⁹Артикова Ю.А. “Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари” мавзусидаги Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, 2009. Б.-12.

имкониятларини чексиз кенгайтириб юборди. Ахборот энг аввало тор ва муайян маънода қўлланадиган бўлса, у одамларни мамлакат ичкараси ва дунёда рўй бераётган воқеалардан хабардор этиш, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, янгиликлар намоишини англатади. Шу нуқтаи назардан қаралса, телевидениенинг ОАВ сифатидаги информацион вазифасини кенгроқ ва чуқурроқ таҳлил этишга имкон туғилади. Телевизион дастур контексти билан уйғунликда ҳар қандай кўрсатув қўшимча информацион бўёққа эга бўлади.

Замонавий ҳаётимизда ижтимоий ахборотга бўлган эҳтиёжни мунтазам равишда қондириб туриш табиий ҳолга айланиб улгурди. Жаҳонда содир бўлган воқеалар ҳақидаги репортажлар ва оғзаки хабарлардан иборат информацион дастурлар ҳар қандай телеканал кунлик эфир сеткасининг таянч нуқталари бўлиб қолди. Одатда, бошқа телекўрсатув ва дастурлар янгиликлар блоклари орасида жойлаштириладиган бўлди. Ахборот дастурларининг анъанавий жойи ва вақтидан кўчиришга фавқулодда ҳолатлардагина йўл қўйилади. Айрим ҳолларда янгиликлар дастурига воқеа жойидан уюштириладиган бевосита репортажлар киритилади. Бунинг учун ҳодиса юз берган вақт дастур вақтига мос келиши ва унинг ўзи намоиш этишга аризулик мазмунга эга бўлиши лозим. Аудиторияга тезкор ахборотни “аралаш” ҳолда етказиш ва шу йўл билан информацион эҳтиёжни қондириш учун янгидан-янги усуллар ишлаб чиқилмоқдаки, бу ўз навбатида телеканалларнинг барча талабларига жавоб берадиган даражага етиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Табиийки, барча телекомпанияларда ҳам ўз эфирини бевосита репортажлар билан тўлдириб бориш, “юз берган” эмас, балки “юз бераётган” воқеа-ҳодисалардан хабардор этишга имконият етарли эмас. “Uzreport TV” да “7/24 Янгиликлар” ахборот дастурида маҳаллий янгиликларга кенг урғу қаратилади. Тезкорлик билан чиқишлар уюштирилади. Маълумки, миллий давлат телеканаллари хорижда ҳалигача ўз мухбирларига эга эмас. “Жаҳон” ахборот агентлиги хорижда бўлган тадбирлардан репортажларни телевидениега тақдим этади. Президент

сафарлари чоғида миллий телеканаллар мухбирлари махсус жўнатилади. “Uzreport TV” ижодкорларига хориждан кўрсатув тайёрлаш имконияти ҳам яратиб берилган.

Журналистика амалиётида янгилик жамоатчиликка етказиш учун арзирлими деган саволга жавоб ҳамиша тайёр бўлиши керак. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг учун 3 та саволга жавоб берилиши жоиз. Дунёдаги етакчи оммавий ахборот тарқатувчи телехизматлар ахборот бозорида бугун муҳим деб ҳисобланган воқеа-ҳодисаларни тез ва аниқ етказиш борасида ўзаро кураш олиб боради. Аввало, жамоатчиликка тақдим этилган хабар **янгилиги**. Телевидениеда унинг янгилиги узоғи билан бир кун сақланиши мумкин. Ҳаттоки бир ёки бир неча соатгача сақланади. Баъзида сонияларни ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам телевидение табиатидан келиб чиқиб, хабар етказишнинг ўзига хос янги шакл ва услублари пайдо бўлмоқда.

Бериладиган кейинги савол эса, янгиликнинг **муҳимлиги**. Муҳим бўлмаган, унчалик аҳамият касб этмайдиган майда янгилик учун вақтни йўқотиш ҳамда техникани жалб этиш шарт эмас. Бошқа томондан, шу кичкина янгилик “пашшадан фил яшаш”дек аҳамият касб этиб кетса-чи? Бундай пайтларда муҳаррир билан воқеанинг муҳимлигини муҳокама қилиб олиш энг мақбул йўл саналади.

Ва, ниҳоят, энг сўнгги савол: янгиликнинг **қизиқарлилиги**. Томошабинда қизиқиш уйғотувчи бир қанча омиллар бор:

- зиддиятли ҳолатлар (жараённинг кечиши: зиддиятнинг юзага келиши, ривож, нима содир бўлгани, ким ғолиб ёки мағлуб бўлгани, ечими);
- томошабинга яқинлиги (ўз ҳовлингдаги тўполон, қўшни ҳовлида бўлаётган шовқиндан кўра қизиқарли);
- ҳиссиёт уйғота билиши;
- маълум шахслар билан алоқадорлиги;

- ноодатийлиги (ит одамни тишлагани эмас – одам итни тишлагани каби);
- фойдалилиги;
- аудитория манфаатларининг ҳисобга олиниши (мисол учун футбол ишқибозларига етказиладиган натижалар).

“Uzreport TV” ижодкорлари ахборот кўрсатувларини тайёрлашда унинг янгилиги, муҳимлиги ва қизиқарлилигидан ташқари, унинг форматига аҳамият қаратишади. Инсон психологик нуқтаи назардан ҳамиша янгиликка, ахборотга эҳтиёж сезади. Ахборот қайси усул ёки форматда узатилмасин, биринчи бўлиб, тез узатиш замонавий жаҳон телевидениеларининг бош хусусиятидир.

Формат (немисча format, французча format – латинча forma – кўриниш, қиёфа деган маънони англатади). Телевидениеда формат ҳақидаги қараш ҳамда фикрлар илмий жамоатчилик томонидан деярли ўрганилмаган ва шунинг учун ҳам терминологик нуқтаи назардан мазкур тушунчалар тизимга солинмаган. Формат атамаси турли телекомпанияларда турлича қўлланади. Кўп ҳолларда у амалиётда муҳаррирлар томонидан жаргон сифатида ишлатилмоқда.

Телевизион янгиликларнинг оғзаки хабар туридан жаҳон телеканалларида сингари миллий каналларимиздан кенг фойдаланилади. Мазкур усул телевидениега радиодан кириб келган. Воқеа-ҳодисалар суратга олинмай, фақат оғзаки ахборот бериб қўйилган. Телевидение пайдо бўлган дастлабки йиллардан ҳозир-ҳозиргача бу усулдан барча каналлар фойдаланади. Хабарни бошловчи кадрда туриб ўқийди. Одатда бундай усулдан видеоматериаллар йўқ пайтда фойдаланилади. Баъзи ҳолларда оғзаки хабардан сўнг, “подводка” ўқилиб кейинги материалга ўтилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижга сафари ёки хориж давлат ва ҳукумати раҳбарларининг мамлакатимизга келиши муносабати билан телевизион янгиликларнинг бу тури қўлланилади. Бирор-бир спортчимизнинг хорижда эришган ютуғи, видео варианты бўлмаган

тақдирда, оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Хорижда эса конкрет видеоматериал йўқ пайтда хабарни тезкор етказиш учун қўлланилади. “Uzreport TV”да ҳам бу усулдан кенг қўлланилади. Одатдақиқиш аввалида бу форматдан кенг фойдаланилади.

“Uzreport TV” қўлланиладиган яна бир усул тўғридан-тўғри уланишдир. Бу формат телевизион янгиликларнинг энг муҳим ва кенг тарқалган тури ҳисобланади. Бу бошловчи билан мухбирнинг диалоги ҳисобланади. Ундан ташқари бошқа эфирга чиқувчилар – мухбир, эксперт, гувоҳ ва бошқалар билан ҳам диалогга киришиш мумкин. Ярим жонли уланиш (псевдовключение) – мазмунан тўғридан-тўғри уланиш билан бир хил маънони англатиб, фақат олдиндан ёзиб олиниши билан фарқланади. Аксарият мутахассислар бу усулни томошабинни алдаш деб баҳолашади. Унда ҳам воқеа ҳақидаги керакли ахборот етказилса-да, аммо қимматбаҳо техника, кўчма телевизион станция талаб қилинмайди. Бунда журналистга тўғридан-тўғри эфирга уланишдаги каби масъулият юкланмайди, ҳиссиётлар ҳам жонли эфирдан анча фарқ қилади. Чунки, телерепортёр хатога йўл қўйса ёки жумлаларда адашса такроран яна студия билан уланиши, дубль қилиши мумкин.

Телевизион янгиликларнинг энг машҳур формати телевизион сюжет бўлиб, репортаж, очерк, лавҳа ва зарисовка жанридаги кўп узвли телевизион асар бўлиб, кадр орти матнлари муаллиф томонидан ёзилади. Телевизион сюжет ўзида синхрон, лайф, баъзида мусиқий безакларни ҳам қамраб олади. Сюжет матни муаллифлик услубида бўлиб, канал ва кўрсатув форматида келиб чиқилади. Унда одамни ўйлантирадиган, ҳайратлантирадиган юмор, киноя, кесатик, пичинг, гротеск элементлари, сўз ўйини, бошқа тасвирий воситалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сюжет маълум композицияга эга бўлади. “Uzreport TV” да сюжетларга кенг аҳамият қаратилади. Мисол учун, “Аҳоли ўртасида суғурта маданиятини янада юксалтириш мақсадида “Кафолат” ДАСК томонидан давра суҳбати ўтказилди. “Кафолат” ДАСК АЖ Тошкент шаҳар филиали ва Шайхонтохур туман ҳокимияти ҳамкорлигида

“Кексаларни эъзлаш йили” Давлат дастури доирасида “Кекса ёшдаги фуқароларнинг суғуртавий ҳимоясининг имкониятлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Анжумандан кўзланган асосий мақсад, кекса ёшдаги фуқароларни компания томонидан ишлаб чиқилган янги суғурта турлари билан таништириш, давлатимиз томонидан суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт–шароитларни кенг тарғиб этишдан иборат бўлди.

“Кафолат” ДАСК мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳар йили эълон қилинадиган умумдавлат дастурлари ижросини таъминлашда компания томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар доирасида алоҳида масъулият билан фаолият олиб боради.

Жорий йилда кекса ёшдаги фуқароларга кенг қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг суғуртавий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Нуроний” ва “Файзли хонадон” деб номланувчи янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқди. Анжуманда мазкур суғурта турлари бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтилди”²⁰.

Мазкур материал таҳлил қилинса, қуйидагиларни айтиш мумкин. Материал тили бироз оғир. Аудиториянинг барча қатлами ахборотни тушуна олмайди. Чиқишда телевизион сюжетга хос барча унсурлар етарли. Синхронлар берилади, аммо тушунтиришлар бироз мураккаб.

Материалнинг ўзига хослиги, қайси усулда ёзилиши, формати мухбирнинг ўз олдига қўйган вазифаси ёки муҳаррир кўрсатмасига асосан белгиланади. У мавзудан ва видеоёзувлардан келиб чиқиб, уни томошабинга етказиш учун қисқа форматнинг ўзи етарлими ёки сюжет тайёрлаш кераклигини аниқлаб олиши талаб қилинади. Бу кўп ҳолларда мухбир қарашларига боғлиқ. Яъни:

- биринчидан, воқеанинг қизиқ ва муҳим эканлигини баҳолай олиш;
- иккинчидан, сюжет учун барча компонентларнинг мавжудлиги;
- учинчидан, мавзу доирасида ишлашга истакнинг бор-йўқлиги.

²⁰ “Uzreport TV”, “7/24 Янгиликлар” дастури, 2015 йил 6 май

Мухбирлар кўп ҳолларда телевизион форматнинг охириги усули – сюжет тайёрлашни маъқул кўрадилар. Чунки, телевизион сюжетга қисқа форматлардаги чиқишларга қараганда кўпроқ қалам ҳақи тўланади. Бундан ташқари стенд-апда туриб воқеа содир бўлган жойни табиий равишда кўрсатиш томошабинда кенгрок тасаввур ҳосил қилади.

Бугунги аудитория учун янгиликлар керак. Аммо, шарҳларга ҳам эҳтиёжлар бор. Бу борада канал қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар битта янги қарорга шарҳ берилади. Жумладан, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустакамлашга, касалликларни олдини олишга, шунингдек, тиббиёт фани талабларига мувофиқ аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлоом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Соғлом овқатланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорига Дилафрўз Қулматов шарҳини²¹ мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

2.3. Янгиликларни узатишда ёндашув ва усуллари

Узатилаётган ахборий жанрлар маълум бир вақт оралиғида ва узлуксиз узатилиб турилади. Аудитория қатламининг кенглиги ва уларнинг қизиқиш доираси турлича бўлганлиги боис мавзулар кўлами ҳам ўзгариб бормоқда. Улардан фойдаланишда томошабинга қай тарзда етказишни, интерактив усуллардан фойдаланишни, бошловчи имижини ташкил қилишни тўғри йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалда синаган ҳолда жанрлардан оқилона фойдаланиш, уларни ўқувчига осон ва тез етказилишини таъминлаш жоиз. Жанрларнинг ҳилма-хиллиги аудитория

²¹ “Uzreport TV”, “7/24 Янгиликлар” дастури, 2015 йил 4 май

эътиборини кўпроқ тортади. Шу билан бирга телевидение фаолиятининг ривожига яхши таъсир қилади.

Мисол учун, “Uzreport TV”да ўзбек ва рус тилларида “Қисқа сатрларда” лойиҳаси ҳам иш олиб боради. Мисол учун, 8 май кунги эфирдан қуйидагилар ўрин олган:

- Ўзбекистон Бутунжаҳон Почта Иттифоқининг айрим актларига қўшилди;
- Ўзбекистон ва Малайзия туризм соҳасидаги янгиликларни муҳокама қилди;
- Ўзбек олимлари вирусга плёнка ишлаб чиқдилар;
- Тошкентда махсус эҳтиёжли болалар учун АРМ очилди;
- Тошкентда Ўзбекистон – Венгрия бизнес форуми бўлиб ўтди²².

Шунингдек, “халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тизимлари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусидаги ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади”.

Бугунги кунда “Uzreport TV” телеканалии орқали халқаро, республика (асосан Тошкент) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётга оид муҳим материаллар берилиб борилмоқда. Ахборот-таҳлил саҳифалари халқимизнинг ахборотга эҳтиёжини қондириши йўлида хизмат қилмоқда. Каналнинг фақатгина иқтисодий-молиявий соҳада эмас, маънавий соҳадаги ислохотларнинг ёритаётганини 9 май куни эфирга узатилган сониди Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган “Кексалари эъзоз топган юрт” мавзусидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтган тадбирдан репортажини (муаллиф Самина Усмонова) мисол сифатида

²² Uzreport TV”, “Қисқа сатрларда” дастури, 2015 йил 8 май

келтириш мумкин²³. Ёки Дилдора Тожибоеванинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган тадбири ҳам мисол бўла олади (муаллиф Дилдора Тожибоева).

Информацион ТВдаги туркум кўрсатувларда воқелик ортиқча бўёқларсиз томошабинга етказилади. Бундай шароитда айниқса, ахборий жанрларда холислик, ҳаққонийлик, тезкорлик принципларига эътибор бериш талаб этилади. Бу жиҳатлар журналист учун жуда муҳим.

Фикримизча, ахборот дастурларида мавзу танлаш ва уни эфирга олиб чиқишда ҳар бир журналистнинг қалами ўткир, ақли теран, оқни қорадан аниқ фарқлай оладиган даражада зийрак бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга улар оқил ва донишманд бўлишлари, жўшқин ҳиссиёт билан яшай туриб, ҳар бир масалага вазминлик билан ёндашишлари зарурдир. Журналист қаламидан тўкилган ҳар бир сатр виждон ҳайқириғи бўлиб янграмоғи лозим. Миллат тақдирида туб бурилиш рўй бераётган ҳозирги паллада бу, айниқса, ўзгача маъно касб этади.

Шу ўринда А.Свободин фикрини келтириш ўринли: “Телевидениеда кўрсатув олиб борувчи бўлиш учун шахс алоҳида кўриниш ва характерга эга бўлиши шарт эмас, аксинча телеэкранда яққол кўриниб қоладиган нуқсонлардан холи бўлиши лозим.”

Журналист ва журналистлик касби ҳақида гап кетар экан, айрим саволларга аниқлик киритиб олишга тўғри келади.

❖ *Журналист аслида ким ва қандай вазифани бажаради?* – У аҳолига холис таҳлил этувчи ва мутахассисларнинг фикрини ўрганган ҳолда халқнинг тўғри ахборот олишида адашмаслигини таъминлаб борувчи шахс.

❖ *Журналист ўз фаолияти давомида кимлар билан учрашади ва қандай ҳолатларга дуч келади?* – У жамиятдаги барча олий ва қуйи табақа вакиллари билан учрашади, улардан ахборот олади, уларнинг манфатларини

²³ “Uzreport TV”, “7/24 Янгиликлар” дастури, 2015 йил 10 май

химоя қилади. Бу вазиятда у мақсадга эришиш учун турли тўсиқлар, қаршиликлар ва ноқулайликларга дуч келиши табиий.

❖ Журналист учун халқ дарди ҳар қандай шахсий манфаатдан устун.

❖ “Сўз эркинлиги” тушунчаси журналист учун қандай маънога эга?
– Журналистнинг “сўз эркинлиги” ҳақиқатни айтиши ва ҳақиқатни аниқлашига қаратилган.

❖ *Виждон тушунчаси журналист учун қандай аҳамиятга эга?* – Кишининг касбидан қатъи назар қандай инсон эканлигини намойиш этувчи хусусият унинг виждонли шахс эканлиги билан боғлиқдир, шу жумладан журналистнинг ҳам.

Хўш, шу ўринда профессионал журналист қандай бўлиши керак? деган савол туғилади.

- Ёритилаётган ҳодисанинг ишончли эканлигини аниқлаш.
- Воқеага ҳолислик принципи билан ёндошиш.
- Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашдан қочиш.
- Камида икки ёки уч илмий мулоҳазалар (интервьюлар)дан фойдаланиш.
- Ўрганилаётган материал аҳолига бирор бир янгилик бермаса, огоҳлантирмаса ва одатдаги ахборотлардан бири бўлса, унга меҳнат зое кетказмаслик.
- Матн тузишда ва уни ўқиш чоғида ортиқча истехзоли сўзлар ва оҳангларни ишлатмаслик.
- Шахсий ва оилавий сирларига оид материалларни ёритишдан қочиш.
- Ҳар қандай ҳодисани ёритганда манипуляция таъсирига берилмаслик ва ўзи ҳам манипулятор бўлиб қолмасликка интилиш лозим.

“Uzreport TV” информацион дастурларидаги янгиликларни олиб борувчи журналист ўз фикри, муносабатини билдириш, томошабинларни ўқитиш учунгина диктор ўрнини эгалламаган. Гулноза Хусанова, Дилафрўз

Қулматова сингари ижодкорлар ютуғи ҳам шунда. Аслида журналист ҳам диктор, ҳам суфлерда ёзилган матнни ўқиб беради. Информацион дастурларни олиб борувчи шахс оддий матнни ўқиб берувчидан фарқланиши лозим. Янгиликларни олиб борувчи журналист чиройли, келишган, эфир вақтида ҳар бир сўз, жумлани аниқ ва тўғри талаффуз қилиши, кийиниш маданияти жойида, ундан ташқари у ўзининг бошловчилик қила олиш қобилияти билан тенгловчиларга ёқиши, қўпол бўлмасдан демократ бўлиши, воқеликни тушуниш унинг юзидан, киёфасидан сезилиб туриши лозим. У ўзини эркин тутиши, хабарни лўнда, қисқа, ихчам ва мазмунли ҳамда кизиқарли тайёрлаб, томошабинларни хабардор этиши ҳамда шевалардан, сийқаси чиққан сўз ва жумлаларни ишатмаслиги керак. Одатда информацион теледастурларни олиб борувчи бошловчи ёки журналистдан томошабин диққатини ўзига қарата олиб, бундай ҳолатни охирга дақиқагача ушлаб туриш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Гўё соҳилга лангар ташланган кемадек, томошабинни ҳам шундай тутиб туриш имкониятига эга бўлиши зарур.

Шу ўринда яна бир савол туғилиши табиий: – профессионал журналист қандай бўлмоғи керак? Дарҳақиқат, профессионалликни талаб қиладиган бундай касб эгасидан зеҳнли, чаққон, изланувчан, киришимли ва лидер бўлиш талаб қилинса, адолатли, одамгарчилик, камтарлик каби хислатларнинг бўлиши унинг эришган ютуғидир. Кези келганда у ўз манфаатини эмас, балки халқ дардини эшитиши, унинг манфаати йўлида хизмат қилиши, уни юзага чиқариши, бир сўз билан айтганда, халқнинг юраги бўлиши керак. Журналист, биринчидан, ижтимоий маълумотни қабул қилгач, таҳлил қилиб, ишланган ахборотни жамиятга қайтарадиган соҳа, иккинчидан, бу соҳа билан боғлиқ махсулотлар-хабар, янгилик, интервью, телерепортаж, очерк, учинчидан, тайёр махсулотни узатадиган манбалар – газета, журнал, радио, ахборот агентликлари, тўртинчидан, интернет – барча соҳага оид манбаларни қамровга олганлиги билан боғлиқ.

Журналист, энг аввало, ҳаётни объектив ёрита билиши лозим. Халқ билан бирга бўлиб, унинг ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда кўпчиликнинг хоҳиш-истакларини амалга оширишга ёрдам бериши, шу билан биргаликда жамиятга ахборот етказиб бериш вазифасини ҳам бажаради.

Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак журналистдан:

- ✚ Саводли, эрудицияли, кенг дунё қарашли, ўз услубига эга.
- ✚ Универсал.
- ✚ Қаттиъятли. Оператив.
- ✚ Изланувчан, ўз устида доим ишлайдиган.
- ✚ Амалий журналистик тажрибага эга.
- ✚ Иқтидорли.
- ✚ Киришувчан (Коммуникатив).
- ✚ Касбий этикага риоя этувчи.
- ✚ Ҳаётий тажрибага эга.
- ✚ Интуицияга эга.
- ✚ Ҳуқуқий саводли.... бўлишни талаб этади.

Журналистикада қарама-қарши фикрлар мувозанати ҳамиша қизиқиш уйғотади. Журналистикада бир гап бор, у ҳам бўлса эфирга, экранга, босма матбуотга бериладиган ҳар бир воқеа ҳақида фикрлар мувозанатини албатта сақлаган ҳолда бериш лозим, яъни воқеа, ходиса тўғрисидаги ахборот албатта тўлиқ бўлиши керак. Унинг устун – “позитив” ёки камчилик – “негатив” томонлари атайлаб яшириниб қолиниши журналистик ахлоқ-одоб - этикага тўғри келмайди. Бундай ахборот – мувозанатлари сақланган объектив, ҳаққоний, тўлақонли ахборот бўлмайди. Ҳаёт фақат ижобий ёки салбий воқеалардан иборат эмас. Журналистнинг ҳаётни бузиб кўрсатишга мутлақо ҳаққи йўқ. Журналист кўпчиликни қизиқтираётган, қийнаётган мавзунини танласа ва уни ноанъанавий қизиқарли қилиб баён қилса у албатта муваффақият қозонади, мақсадига эришади. Афсуски, танқидий чиқишлар “Uzreport TV” канали умуман учрамайди. Келгусида бу соҳага аҳамият қаратилиши жоиз.

Яна бир талаб шуки, телевизион янгиликларда битта масала, битта мавзу, битта муаммо юзасидан бири-бирига қарши, бири-бирини инкор этувчи икки хил фикр, бир нечта нуқтаи назар берилса борми, бундай фикрлар тўқнашуви сўзсиз катта қизиқиш билан қабул қилинади. Ҳақиқат баҳсларда дунёга туғилади. Лекин яна шуни айтиш лозимки, телевидение катта ва кўпмиллионли аудиторияга чиқадиган ОАВдир. Шу сабабли ҳам телевидение экрани орқали айтилган ҳар бир фикр албатта асосланган, эътирозга сабаб бўлмайдиган, ишонарли бўлиши лозим. Зотан ҳар бир инсоннинг у ёки бу фикрини тасдиқловчи ёки инкор этувчи ўз мантиғи, ҳақиқати, асослаш усул ва услублари бўлади. Бу эса ҳаммада бир хил қизиқиш уйғотади. Журналист буни аниқ билиши ва ундан унумли фойдаланиши керак.

Халқаро журналистикада журналист асосан далил ва рақамларни берсин, воқеани у қандай содир бўлган бўлса худди шундай баён қилиб воқеа ҳақида турли фикрларни, ҳатто бир бирига қарши бўлган нуқтаи назарни берсин. Журналист шарҳдан ўзини тийсин. Хулоса ҳам қилмасин. Хулосани ўйлаб, таҳлил, мулоҳаза қилиб, факт ва рақамларни солиштириб телетомошабиннинг ўзи чиқаради. Бундай фикр жиддий ва қатъий бўлади. У телетомошабин онги-ю хотирасида узоқ сақланади. Журналист телетомошабинга ўз фикрини мажбуран сингдиришдан воз кечсин. Бу ўтмиш журналистикаси. Тўла ва объектив ахборот, маълумот олган инсон, телетомошабиннинг воқеа-ҳодисалар тўғрисида мустақил ҳукм чиқаришга тўла ҳаққи бор. Аммо, бу қоидага ҳамма телеканал ва журналистлар тўлиқ амал қилмайди.

“Uzreport TV”да “Хорижий валюталар курси”, “Об-ҳаво маълумоти”, “Бизнес энциклопедияси” сингари чиқишлар йўлга қўйилган. “Бизнес энциклопедияси” дастурида иқтисодиётга оид атамалар изоҳи бериб борилади. Мисол учун, капитал, дотация, ипотека, дивиденд²⁴ каби. Шунингдек, Ўзбекистон фонд биржаларида бўлиб ўтаётган жараёнлар, ким

²⁴ “Uzreport TV”, “Бизнес энциклопедияси” дастури, 2015 йил 4 май

ошди савдолари, кундалик истеъмол маҳсулотлари, нефть, газ кабиларнинг нархидаги ўзгаришлар хусусида сўз боради.

Ахборот дастуридаги лавҳаларда икки ёки ҳатто учта кичик синхрон интервьюлар берилади. Бу одатда бир меъёрга ўқиладиган мухбир овозига, ўқиш суръатига, темп-ритмига янги бир руҳ киритади. Лавҳани анча бойитади, жонлантиради. Лекин улар “ҳаракатдаги гапираётган бошлар”га яъни телевидение амалиётида, ҳужжатли кинематограф асарларида кўп учрайдиган ва бутун телетанқидчиларнинг жонига теккан “говорящие головы”ларга айланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир синхрон-интервьюнинг бири иккинчисига ўхшамаслиги зарур. Уларда албатта янгилик, янги факт, рақам, нуқтаи назар бўлиши даркор. Бунинг устига улар шаклан ҳам ранг-баранг бўлиши керак. Масалан, интервью берувчилардан бири туриб гапирса, иккинчиси юриб гапирсин, учинчиси бошқа бир иш билан банд бўлган пайтда интервью берсин. Айтгандек, ҳар бир қисқа синхронда интервью берувчи бири иккинчини тўлдириши, илгариги синхрон-интервьюга аниқлик киритиши ёки жуда бўлмаганда инкор этиши, пировард натижада эса ҳақиқатни топишга ёрдам бериши керак. “Uzreport TV”да синхронларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Иложи борича, 2 кишидан интервью олинади. Аммо, баъзи ўринларда синхронларнинг давомийлиги чўзилиб кетади. Мисол учун, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ривожланган ахборот инфратузилмасига эгалиги ҳақида сюжетда Ахборот технологиялари Департаменти интернет-технологиялари бўлими бош мутахассиси Отабек Муҳаммеджанов интервьюси жуда чўзилиб кетди. Одатда синхронлар давомийлиги 20 (25) сония давом этади. Аммо, юқоридаги интервью 1 дақиқадан зиёд давом этди²⁵.

Журналистнинг ҳар бир воқеа, ходиса тўғрисида ўзининг фаол нуқтаи назари бўлиши лозим. Бу нуқтаи назар реал ҳаётга асосланган, умуминсоний манфаатлардан келиб чиққан, гуманистик позицияси бўлмоғи керак. Ҳақиқий профессионал журналистда унинг позицияси, нуқтаи назари бўлиб

²⁵ “Uzreport TV”, “7/24 Янгиликлар” дастури, 2015 йил 6 май

материалларида ўзининг ифодасини топади. Ўз позициясига эга журналист шахс сифатида ҳам ўзини намоён этади. Ўз нуқтаи назари бўлмаган журналист - журналист сифатида ҳам йўқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение орқали мунтазам равишда ёритилиб турибди. “Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, ахборот эркинлигини таъминламасдан туриб, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.”²⁶

Журналистнинг маҳорати ҳақида матнининг образли тили, ишлатилган рамзий иборалар, матндаги фикрлар сиқиклиги, динамизми далолат беради. Телевидение тили газета, бадий адабиёт ёки радио тилидан анча фарқ қилади. Телевидение тили одатдагидек, эга-кесими ўрнига қўйилган узундан узок, гаплардан ташкил топмай, балки тезисли, шарҳли, штрихли, пунктирли бўлиши керак. ТВ да узундан узок таърифли сўзлар ўрнига экрандаги конкрет тасвир ва унинг қисқа, лўнда, образли, поэтик изоҳи берилади ва бундай матн билан сўзлар омухтаси телетомошабинда бошқа ОАВда бериб бўлмайдиган тушунча тасаввур ҳосил қилади. Тезисли телевизион сценарий тили ҳақида тўхталиб ўтиш керак. Босма матбуот, радиодан фарқли телевидениеда катта маъно, мазмунга эга бўлган конкрет шахслардан иборат тасвир мавжуд. Матн ёзишда бу факторни ҳисобга олмаслик телевидение табиати, ўзига хослигини ҳисобга олмаслик билан тенгдир. Бу демак, телевидениега ҳам бошқа ОАВга ёзган каби ўша фақат телевидениега хос тил, услуб билан матн ёзилади. Бундай услубнинг, бундай тилнинг таъсир

²⁶ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.52-53.

кучи ниҳоятда катта бўлади. Телевидение тили тезиснамо, яъни кадрда кўринмайдиган жойларини, ички кечинмаларни, шарҳ услубида қоғозга тушириш керак. Уни томошабинга журналист етказиши лозим. Кадрда бор бўлган тасвирни эса сўз билан ифодаламай тавсифлаш, шарҳлаш лозим. Тасвир интершовқин, сўзлар билан омухта бўлиб янги телевизион образ яратади. Мана бундай таъсирли образ бошқа бирон ОАВда ёки санъатнинг бошқа бир турида йўқ. Буни фақат ТВ да яратиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ахборий кўрсатувлар тайёрлаш ва узатиш борасида “Uzreport TV” маълум тажриба тўплади ва бу ўз натижасини берди. Каналнинг 10-“Олтин қалам” Халқаро мукофотида Бош совринни қўлга киритганида ҳам кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса, жамиятни демократлаштиришда ОАВнинг роли ва аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, ёшларнинг маънавий оламини шакллантиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари, ижод аҳли фаол қатнашмоқда.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун аввало, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами жуда кенг.

Бугунги кунда телевидениени ахборий кўрсатувларсиз тасаввур этиш

кийин. Уларда аудиторияни қизиқтирадиган мамлакатимиз ҳаёти соломаси, жамиятнинг ютуқ ва муаммолари ҳақида ҳикоя қилинади. Ахборот дастуридан томошабин биринчи навбатда фактлар ва ҳодисаларнинг чуқур ёритиб берилишини кутади. Мавзуни таҳлил этиб, икки телевизион янгиликлар дастурларини тайёрлаш ва эфирга узатишнинг ўзига хосликларини санаб ўтмоқчимиз:

Биринчидан, жаҳон телеканаллари тажрибасида қўлланилаётган телевизион янгиликлар тайёрлашнинг замонавий услуб ва форматларидан “Uzreport TV” инфор­мацион дастурларида кенг фойдаланила. Яъни, оғзаки хабар, тўғридан-тўғри уланиш, ярим тўғридан-тўғри уланиш, телевизион сюжет турлари қўлланилмоқда.

Иккинчидан, “Uzreport TV” ахборот дастурида янгиликлар хилма-хил усулларда узатилмоқда. Яъни, одатдаги усулда, югурувчи сатрларда, қисқа сатрларда узатиш йўлга қўйилган ва шу билан биргаликда иқтисодий-молиявий соҳага ихтисослашган журналистлар гуруҳи шакллантирилган.

Учинчидан, каналда жанрлар хилма-хиллиги бор. Ўзбекистон ва дунёда содир бўлган хабарлар бериб борилади. Шарҳлар йўлга қўйилган. Тўғридан-тўғри эфирлар бор.

Тўртинчидан, жамоатчилик эътиборида бўлган мавзуларни танлаб, томошабинга етказилаётгани “Uzreport TV”нинг муваффақиятли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга тезкорлик тамойилига тўла амал қилинмоқда.

Бешинчидан, ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларининг кириб келиши, Интернет ривожини интерактивликни кучайтирмоқда. “Uzreport TV” нинг барча эфирларини www.uzreport.uz сайтида томоша қилиш, фикр билдириш мумкин.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “Uzreport TV”нинг бир қанча хусусиятлари мавжуд. Яъни, каналнинг:

- янгиликларга ихтисослашгани;
- иқтисодий-молиявий йўналишни қамраб олгани;

- реклама ва ҳомийлик чиқишларига кенг аҳамият қаратгани;
- каналнинг хусусийлиги;
- энг сўнгги техник имкониятлардан фойдалангани;
- ўз имижини ярата олгани;
- интерактив чиқишларга кенг аҳамият қаратгани ва бошқалар.

Ишни ўрганиш асносида қуйида камчиликлар кузатилди:

- “Uzreport TV”даги энг катта камчилик эфирга узатилаётган сюжетларда ҳаётийликдан кўра расмийлик асосий планга чиқиб қолгани ҳисобланади. Бу эса томошабинни экрандан узоқлаштиради;

- дастур кўп ҳолларда хабар етказиш билан чегараланиб қоляпти. Яъни, мураккаб терминология қўлланилаётган анъанавий кўринишдаги хабарлар аудиторияни меъдасига тегади. Ахборот етказиш усулини ва тилини ўзгартириш керак;

- мутахассислар малакаси соҳасида муаммолар бор. Ахборот хабарномалари (пресс релиз)га таянган ҳолда лавҳа тайёрлаш одат тусини олган. Маълум маънода шаблонга сезилади;

- хабарларининг шу куннинг ўзида ва эртаси куни бир неча марта такрор берилиши асосий муаммолардан яна бири;

- хабарларни тақдим этишда турли шакллар, хариталар, чизмалардан фойдаланиш ҳам инфорацион кўрсатувнинг ўзига хослигини таъминлайди;

- жанрлардан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас. Бу борада ижодкорларда изланишлар етишмаслиги. Асосан лавҳа, ҳисобот, камдан-кам ҳолатда репортаж берилади.

Ахборий кўрсатувларни тайёрлаш ва узатишнинг ўзига хосликларини ўрганиб, соҳага доир айрим муаммоларни санаган ҳолда, қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз.

- миллий телеканалларда ахборот етказишнинг янгича, жаҳон аудиовизуал журналистика тажрибасида қўлланилаётган усул ва форматларини амалиётга жорий қилиш керак;

- тўғридан-тўғри эфирга чиқиш чора-тадбирларини кўриш керак. Бунинг учун ҳар “Uzreport TV” дастурида техник имкониятлар етарли. Воқеа жойидан туриб янгилик узатиш, жонлилик телевидениенинг энг асосий шартларидан биридир. Бунинг ҳам чораларини излаш пайти келди.
- “Uzreport TV халқаро мавзудаги чиқишлар савиясини ошириш, халқаро журналистикани яхши тушунадиган ёшларни кўрсатувларга жалб этиш зарур. Халқаро мавзу хабар беришдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Юқорида берилган таклифлар информацион дастурлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тизимлари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусидаги ошқора, профессионал таҳлилий материалларни кутади. Ахборий кўрсатувлардаги туркум кўрсатувларда воқелик ортиқча бўёқларсиз томошабинга етказилади. Бундай шароитда айниқса, ахборий жанрларда холислик, ҳаққонийлик, тезкорлик принципларига эътибор бериш талаб этилади. Бу жиҳатлар журналист учун жуда муҳим.

Фикримизча, ахборот дастурларида мавзу танлаш ва уни эфирга олиб чиқишда ҳар бир журналистнинг қалами ўткир, ақли теран, оқни қорадан аниқ фарқлай оладиган даражада зийрак бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга улар оқил ва донишманд бўлишлари, жўшқин ҳиссиёт билан яшай туриб, ҳар бир масалага вазминлик билан ёндашишлари зарурдир. Журналист қаламидан тўкилган ҳар бир сатр виждон ҳайқириғи бўлиб янграмоғи лозим. Миллат тақдирида туб бурилиш рўй бераётган ҳозирги паллада бу, айниқса, ўзгача маъно касб этади.

Зеро, оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг муҳим ўрнига эга, фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлида демократик журналистика ҳамда профессионал журналистлар асосий куч бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АДАБИЁТЛАР

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.6. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт

даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Ж. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.8. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.: Ўзбекистон, 2010.

II. МОНОГРАФИЯ ВА ТЎПЛАМЛАР, МАХСУС АДАБИЁТЛАР

2.1. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: “Академия”, 2007. – Б.11.

2.2. Бердиқулов А. Си-Эн-Эн телехизмати. С.Умиров таҳрири остида. Т.: ЎзДЖТУ. 2004. – Б.20-21.

2.3. Бўриева Х. Информацион дастурларда жанрлар ранг-баранглиги, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2013.

2.4. Ворошилов В.В. Журналистика.-М.: Спб, 1999.

2.5. Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1998.

2.6. Гидденс Э. Социология.Т.: Шарқ, 2002. – Б.492-493.

2.7. Каримов А. Аудиовизуал журналистика(тележурналистика), Т.: ЎзДЖТУ, 2012.

2.8. Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. – М.: МГУ, 2004.;

2.9. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л.Юровский А.Я. Телевизионная журналистика, Изд-во МГУ, 4-е изд. М.: 2002.;

- 2.10. Кузнецова Г.В. ТВ журналистика: Критерии профессионализма-М.,Рип-холдинг,2002.
- 2.11.Кидмон М. “Ахборий жамият шартлари”, Бонн 2002.
- 2.12.Тошпўлатова Н. Ёшлар ОАВ имиджи, // Ўзбекистон матбуоти. 2008 йил №1. – Б.28-29.
- 2.13.Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия. Интерактивное поле общения. – М.: Аспект Пресс, 2004. Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий, Изд-во МГУ, 2000.
- 2.14. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики.-М.: Рип -холдинг, 2002;
- 2.15. Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Малыхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С.177.
- 2.16. Ҳамроев Н. Ахборот кўрсатувларида мавзу танлаш ва уни олиб чиқиш масалалари, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2013, —Б.63.

III. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

- 3.1Артиқова Ю.А. Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2009. – 26 б.
- 3.2.Каримов А.А. Телевиденининг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 26 б.

VI. ЧЕТ ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР

4.1. Andrew G.S. World Radio TV Handbook. Amsterdam 1994.

V. ДАВРИЙ НАШРЛАР ВА ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

5.1. “Uzreport TV” канали дастурлари

5.2. www.ntv-news.ru

5.3. www.ntv.ru о компании

5.4. www.uza.uz